2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

Ижтимоий-сиёсий газета


№ 219 (1818), 2026 йил 22 октябрь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ҚАШҚАДАРЁДА ИСЛОҲОТЛАР ШИДДАТИ: ИШОНЧ, ИМКОНИЯТ ВА НАТИЖА БИЛАН ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИГА КИРИБ БОРМОҚДА

Ўзбекистон етакчисининг Қашқадарё вилоятига ташрифи тафсилотлари ва муҳим ташаббуслар шарҳи





Қашқадарё — барча соҳадаги ислоҳотлар воҳа кенгликлари каби қулоч ёзиб, иқтисодий-ижтимоий ютуқлари Ҳисор тоғи чўққисидай юксалиб бораётган ҳудуд. Саноати ривожланиб, миллий маҳсулотлари жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаб, аҳолиси бугунидан рози, эртанги кунига катта ишонч билан яшаётган вилоят!

Президентимизнинг Қашқадарёга бу галги ташрифи ана шу ўсиш, ўзгаришларга янада кўтаринки руҳ ва сўнмас шиддат бағишлади. Айни дамда янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар кўламига муносиб тарзда янги марралар белгилаб берилди.

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги иш ўринлари очиш баробарида соҳаларда замонавий ечимларга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буни “Қашқадарё” эркин иқтисодий зонасидаги “Sulton Tex Group” тўқимачилик кластери фабрикаси мисолида кўриш мумкин. Бу ерда ишлаб чиқаришда фойдаланилган сув шунчаки оқизиб юборилмайди. Унинг 95 фоиздан зиёди тозаланиб, ишлаб чиқаришга қайтадан юборилади. Бунинг учун қиймати 3 миллион долларлик ёпиқ сув айланиш тизими барпо этилган. У йилига 1,1 миллион куб метр сувни тежаш имконини беради.

Илмий асосдаги яна бир замонавий ечим фабрика биносининг томи ва деворларига қуёш панели ўрнатилганидир. Шу тариқа бино деворлари шунчаки тўсиқ эмас, экологик тоза қувват манбаига ҳам айланган. Бундан ташқари, электр энергиясидаги барқарорликни сақлаш учун газ генератори ўрнатилган.

Қуёш панеллари экологик тоза қувват олишни таъминлайди. Сув тежамкорлиги она табиатни асрашимизга хизмат қилади. Айни пайтда улар иссиқ сув ва буғ таъминотидаги харажатни камайтиради. Бу эса маҳсулот таннархига ижобий таъсир кўрсатади.

Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари ресурсларни тежашга қаратилган технологиялар бошқа тўқимачилик корхоналари учун намуна эканини таъкидлади.

— Инсон меҳнат қилса, албатта, натижаси ҳам бошқача бўлади. Мана шу янги авлод тадбиркорларимиз билан ҳозир мутлақо бошқа даражага чиқяпмиз, улар нафақат қўшимча қиймат занжири яратяпти, балки “яшил” технологиялар билан экологияга ғамхўрлигини ҳам намоён этмоқда, — деди Президентимиз.

Ҳа, бугун янги Ўзбекистон кашф этган, имкон, шароит яратиб берган янги давр тадбиркорлари сафи кенгайиб бормоқда. Ана шу эътибор туфайли ислоҳотлар амалий натижа беряпти. Ишлаб чиқариш қуввати ошиб, янги иш ўринларини очиляпти. Жумладан, жорий йил 13 март куни қабул қилинган қарор доирасида кластер томонидан мато ишлаб чиқариш ва бўяш фабрикаси ташкил этилди. Шу тариқа кластерда пахтани экишдан тайёр маҳсулотга айлантиришгача бўлган барча жараён қамраб олинди.

Қиймати 54 миллион долларлик лойиҳа доирасида энг замонавий технологиялар олиб келиб ўрнатилди. Натижада йилига 20 минг тонна матони ишлаб чиқариб, бўяш имконини берадиган линиялар иш бошлади. Фабрикада 840 кишининг бандлиги таъминланди. Уларнинг катта қисмини хотин-қизлар ташкил этади. Шу маънода, бу рақам 840 та иш ўрни эмас, балки катта ижтимоий аҳамиятга эга амалий ҳаракат кўрсаткичидир. Яъни хотин-қизлар, умуман, аҳолининг доимий иш ўрнига эга бўлиши оиланинг иқтисодий барқарорлигини таъминлашга хизмат қилади. Бу ўз ўрнида турли ижтимоий масалаларга ечимдир.

Келгуси марралар янада баланд олинган. Жумладан, “Sulton Tex Group” кластерида 3570 та иш ўрни очиш режа қилинган. Бунинг учун мазкур эркин иқтисодий зонада 70 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилади. Бундан ташқари, вилоятнинг бошқа туманларидаги лойиҳалар асосида яна 1220 киши ишли бўлади.

Шу ўринда кичик мулоҳаза. Тошкентдан Қашқадарё вилоятига тунги соат 4:00 атрофида етиб келдик. Қарши шаҳрининг файзли, ёруғ кўчалари бўйлаб юрар эканмиз, 24/7 режимда ишлайдиган гул дўконларига дуч келдик. Бир қарашда бу оддий ҳолат, бироқ мана шунинг ўзиёқ ижтимоий ҳаётдаги жуда муҳим омилни очиб беради. Иқтисодий барқарорлик оилалардаги аҳилликка сабаб бўлади. Оиласи тинч, чўнтагида пули бор киши эса уйига гул кўтариб боргиси келади. Мана шу фактнинг ўзиёқ бугун қашқадарёликлар жуда катта марралар сари интилиб яшаётганига яна бир далилдир.

Мамлакатимиз етакчиси фабрикадаги ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулотлар кўргазмаси билан танишди. Юз-кўзида ҳаётдан мамнунлик акс этиб турган ишчилар билан самимий суҳбатлашди.

Қашқадарё вилояти яқин-яқингача асосан аграр тармоққа боғланиб қолган ҳудудлардан эди. Аграр тармоқ деганда кўз олдимизга фақат ғалла ва пахта келарди. Бугун вазият тубдан ўзгарди. Аграр тармоқ кўлами мислсиз кенгайди. Бу хусусда яна тўхталамиз. Вилоят иқтисодиётида ишлаб чиқариш муҳим ўрин эгаллади. Очиғи, бир пайтлар Қашқадарёда трактор ишлаб чиқарилади, воҳа деҳқонлари етиштирган маҳсулотлар шу ернинг ўзида қадоқланиб, океан ортига юборилади деса, ҳеч ким ишонмасди. Бундай хаёллар миямизнинг бир чеккасидан ўтмагани ҳам рост. Янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар туфайли бу гаплар ҳаётий ҳақиқатга айланди.

Хусусан, Қарши шаҳридаги “FM World” корхонасида “Nasaf” бренди остида беш хил русумдаги тракторлар йиғилмоқда. Улар қаторида замонавий пахта териш машиналари ҳам бор. Тракторлар GPS, автопилот, ўғитлашни бошқариш ва масофадан назорат қилиш тизимлари билан жиҳозланган. Бундай техник имкониятлар дала ишларини бажаришдаги аниқликни таъминлаб, тежамкорликка хизмат қилади. Масалан, автопилот тизими тракторни компьютерда бошқариш имконини беради. Яъни тракторчи далага киргач, йўналишни белгилайди ва рулни қўйиб юборади. Трактор ўзи тўғри чизиқ бўйлаб юради. Ҳайдовчи фақат жараённи кузатиб ўтиради. Бу чарчоқни камайтиради ва ишни бир неча баробар тезлаштиради.

Қаерга қанча ўғит сепишни автоматик белгилайдиган ақлли тизим эса даланинг турпроғи унумдор жойига камроқ, аксинча жойларга кўпроқ ўғит сепади. Бу ортиқча харажатни тежаш ва экиннинг ҳамма қисми баробар ривожланишини таъминлайди.

Ушбу лойиҳа тўлиқ хорижий инвестиция ҳисобидан молиялаштирилган. Бунинг учун Хитойнинг 500 та йирик хусусий корхонаси қаторига киритилган “Jiangsu World Group” корпорацияси 20 миллион доллар ажратган. Натижада 200 та иш ўрни очилди. Лойиҳа учун 12 минг квадрат метр майдонда ишлаб чиқариш бинолари барпо этилди.

Давлатимиз раҳбари ишлаб чиқариш жараёни ва тайёр техникалар билан танишиб, муҳим вазифалар юзасидан кўрсатмалар берди.

Корхонада ҳозир 138 турдаги деталь ва бутловчи қисм ишлаб чиқариляпти. Шу асосда маҳаллийлаштириш даражаси 30 фоизни ташкил этмоқда. Бундан ташқари, корхонада дала шароитида техникаларга хизмат кўрсатиш, носозликларни олдиндан аниқлаш ва улардан хавфсиз фойдаланиш бўйича мунтазам ўқув машғулотлари ўтказилмоқда.

— Шу пайтгача қишлоқ хўжалиги техникаларини хориждан олиб келардик. Бу эса таннархга таъсир қиларди. Қашқадарёда фермерларимизнинг ишини енгиллаштирадиган замонавий техникаларнинг ўзимизда, ўзимизнинг брендимиз остида ишлаб чиқарилиши бир пайтлар орзу эди. Маҳаллийлаштириш — қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларимизнинг узвий давоми. Бундай ишларни изчил давом эттирамиз, — деди давлатимиз раҳбари.

Ташриф давомида бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва маҳаллийлаштириш даражасини босқичма-босқич ошириш муҳимлиги қайд этилди. Бунинг учун маҳаллий корхоналар билан кооперацияни кучайтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Келгусида корхонанинг йиллик экспорт қиймати 50 миллион долларга етказилади.

Юқорида эслаганимиз каби аграр тармоқ тушунчаси пахта ва ғалла билан чекланган эди. Шу боис, халқимиз куз ва қишнинг ярмигача пахта даласидан чиқмасди. Мамлакатдаги иқтисодий кўрсаткичлар пахта режаси билан ўлчаниб, ишлар шу асосда баҳоланарди. Биз ҳозир тарихни муҳокама қилмоқчи эмасмиз. Аммо бир ҳақиқатни айтиш зарур: янги Ўзбекистондаги ислоҳотлар туфайли пахта майдони қисқариб, ҳосилдорлик ошиб боряпти. Мамлакатимиз саноатлашган, йирик иқтисодий қувватга эга давлатга айланиб бормоқда.

Буни ҳамкорлик қилиш истагида юртимизга келаётган хорижлик сармоядорлар сафи тобора кенгайиб бораётганида ҳам яққол кўриш мумкин. Биргина Қашқадарёга сўнгги беш йилда 20 триллион сўм йўналтирилиб, 7 миллиард долларлик чет эл инвестицияси жалб қилинди. Натижада хомашёни чуқур қайта ишлайдиган минглаб лойиҳалар ишга тушди. Даромад аҳоли жон бошига уч баравар ошди.

Давоми 3-бетда

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадрли юртдошлар!

Сиз, азизларни, бутун халқимизни, хориждаги ватандошларимиз ва ўзбек тилининг барча дўстларини 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни билан самимий мубораксбод этаман.

Дунёдаги энг қадимий ва бой тиллардан бири бўлган она тилимиз олис аждодларимиздан бизга буюк мерос бўлиб келаётган ўз тилимиздир.

Биз “Ўз” деган эзгу ғояни тилга муносабатимизда ҳам ана шундай тушунамиз ва жорий этамиз. Айни шу ғоя ўзак томирларимиздан озиқланиб келган она тилимизга дунё билан эркин мулоқот қилиш, замонавий билимларни ўзлаштириш, халқимиз маънавиятини юксалтиришда янги куч-қувват беради, деб ишонамиз.

Албатта, инсон айнан тил орқали ўзини англайди, оиласи ва эл-юртига меҳр туйғусини ифода этади. Халқнинг хотираси, билим ва тажрибаси, орзу-умидлари ҳам тилда мужассам бўлади. Давлат тилининг қадри ва аҳамияти ҳақида гапирганда, биз, аввало, ана шу жиҳатларни етакчи ўринга қўямиз.

Бизнинг буюк аждодларимиз айнан она тилимиз бойликларидан илҳом олиб, илм ва адабиёт оламида дурдона асарлар яратганлар, инсон қалби ва жамият ҳаёти ҳақида теран фикрлар ёзиб қолдирганлар. Ана шу анъаналарни давом эттирган ҳолда, ўз тилимизнинг имкониятларини янги илм, технология ва ижод намуналари билан бойитиш — бизнинг масъулиятли вазифамиздир.

Ўзбекистон — турли миллат ва элат вакиллари ягона оила бўлиб, биргаликда янги ҳаёт ва келажак барпо этаётган умумий Ватанимиздир.

Ўз тилимиз давлат тили сифатида фуқароларимизнинг мулоқот тилига айланиб, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишларига хизмат қилаётгани барчамизни албатта қувонтиради.

Айни пайтда ҳар бир инсоннинг она тили ва маданий қадриятларига ҳурмат ва эътибор — жамиятдаги дўстлик ҳамда ҳамжиҳатликнинг муҳим асоси эканини ҳам биз яхши тушунамиз. Шу боис, юртимизда қорақалпоқ тили ва бошқа тилларнинг ривожини қўллаб-қувватлаш, ўзбек тилини ўрганиш учун қулай шароитлар яратиш борасидаги ишлар ўзаро уйғун ва бир-бирини тўлдирадиган ҳолда олиб борилмоқда.

Давлат тилини билиш, ҳеч шубҳасиз, инсонга янги билим ва имкониятлар эшигини очади, уларда умумий ҳаётимиз, истиқболимиз учун дахлдорлик ҳиссини кучайтиради. Бу борада ўзбек тилини эндигина ўргана бошлаган инсонга самимий муносабатда бўлиш, унинг интилишини қўллаб-қувватлаш, айниқса, муҳимдир.

Биз ёшларимизнинг ўзбек тилида теран фикрлаши, чет тилларини пухта эгаллаши ва жаҳондаги ижобий ўзгаришларга ҳамнафас бўлиши учун янада қулай шароитлар яратишимиз зарур. Бу борада таржима санъати ҳам алоҳида ўрин тутади. Биз таржима орқали инсониятнинг тафаккур хазинасидан энг яхши асарларни ўз тилимизга олиб кирамиз, давлат тилидаги ғоя ва асарларни эса бошқа халқларга етказамиз.

Айниқса, Оксфорд университетидаги “Ўзбекшунослик дастури” каби ҳамкорлик йўналишлари таржима асосидаги ана шундай мулоқотнинг намунаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Давоми 2-бетда

“БОЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИГА ИНВЕСТИЦИЯ: КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРНИНГ БАРҚАРОР ВА АДОЛАТЛИ ТАРАҚҚИЁТИ САРИ ЙЎЛ” БУТУНЖАҲОН САММИТИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ҳурматли саммит иштирокчилари!

Қадрли меҳмонлар, хонимлар ва жаноблар!

Сизларни боқий шаҳар — Самарқандда “Болалар фаровонлигига инвестиция: келажак авлодларнинг барқарор ва адолатли тараққиёти сари йўл” бутунжаҳон саммитининг очилиши билан чин қалбимдан мубораксбод этаман.

Ушбу анжуманни ташкил этишда ҳамкорлик қилаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ, Жаҳон банки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро ижтимоий таъминот уюшмаси ҳамда барча ҳамкорларимизга миннатдорлик билдираман.

Болалар фаровонлиги ҳақида гапирганда, аввало, уларнинг бугунги ҳаётини назарда тутамиз. Ҳар бир бола ҳозирнинг ўзида меҳр, хавфсизлик, сифатли таълим ва зарур тиббий ёрдамга ҳақли. Унинг қадри келажакда қандай касб эгаси бўлиши ёки қанча даромад келтириши билан ўлчанмайди.

Боланинг соғлом ўсиши ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун яратилган шароит мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиётига ҳам мустаҳкам асос бўлади. Шу боис, болаликка йўналтириладиган маблағлар давлат сиёсатида изчил ва барқарор ўрин эгаллаши зарур.

Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, мактабгача таълим имкониятларини кенгайтириш, ижтимоий хизматларни оилаларга яқинлаштириш бўйича ислоҳотларни давом эттирмоқдамиз. Ногиронлиги бўлган болаларнинг таълимда иштирок этиши, болаларни зўравонлик ва эксплуатациядан ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз.

Кенг қамровли ислоҳотларимиз натижасида туғуруқ жараёнида оналар ўлими, болаларнинг ўсишдан ортда қолиши икки баробар қисқарди, мактабгача таълим қамрови 27,7 фоиздан 78 фоизга оширилди, олти ёшли болаларнинг қарийб 100 фоизи мактабга тайёрловга жалб этилди, олий таълим билан қамров 5 баробар — 9 фоиздан 45 фоизга ошди.

Биз мамлакатимизда яратилган оила ва бола эҳтиёжини барвақт аниқлаб, ёрдам берадиган ижтимоий ҳимоя тизими орқали сўнгги беш йилда болалар камбағаллиги қарийб 4 бараварга қисқарди.

Давоми 2-бетда

Она тилимизни севиб, ардоқлаб, унинг шуҳратини оширишга, дунё билан мулоқотини кенгайтиришга ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшайлик!

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 22 октябрь, 219-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Бошланиши 1-бетда

Чет эллардаги ўзбек тили ўқитувчилари, тадқиқотчи ва талабаларнинг қизиқишини рағбатлантириш, уларни сифатли адабиётлар, таълим ресурслари билан таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратишимиз лозим.

Муҳтарам ватандошлар!

Тилнинг ҳаётимиздаги ўрни, аввало, ундан қанчалик самарали фойдаланиш даражаси билан боғлиқ. Бола ўз фикрини равон баён эта олса, талаба мураккаб мавзуни тушунган ҳолда ўрганса, фуқаро расмий ҳужжат мазмунини осонгина англаса — тил тараққиётининг натижаси айнан шунда кўринади.

Шунинг учун таълим соҳасида асосий эътиборни ўқувчининг ўқиш, тушуниш, гапириш ва саводли ёзиш кўникмаларига қаратишимиз керак. Ўзбек тилини она тили сифатида ўрганаётган бола билан уни давлат тили сифатида эгаллаётган ўқувчининг эҳтиёжлари ўртасида албатта фарқ бор. Дарслик ва ўқитиш усулларини янгилашда бу албатта ҳисобга олиниши лозим.

Ҳаёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, муаллимларнинг малакаси, болалар адабиёти, кутубхоналар ва замонавий таълим воситалари тилга бўлган меҳрни мустаҳкамлайди. Оиладаги самимий суҳбат, биргаликда китоб ўқиш ва боланинг саволларига эътибор ҳам шу жараённинг муҳим қисми. Шу маънода, мамлакатимизда китобхонликни умуммиллий ҳаракатга айлантириб, бу жараёнга катта эътибор бераётганимиз замирида ҳам тилимиз ривожи ҳақидаги эътибор мавжуд десак, тўғри бўлади.

Давлат идоралари бу борада намуна бўлиши шарт. Қонун, қарор, йўриқнома ва мурожаатларга жавоблар равон, аниқ ва тушунарли тилда ёзилиши керак. Фуқаро ўзининг ҳақ-ҳуқуқи ёки мажбуриятини англаш учун ортиқча қийинчиликка дуч келмаслиги лозим. Давлат тилига ҳурмат давлат хизматининг сифатида ҳам кўриниши керак.

Олдимиздаги муҳим вазифалардан яна бири — ўзбек тилида замонавий илмий манбалардан фойдаланиш ва янги тадқиқот натижаларини баён этиш имкониятларини кенгайтиришдан иборат. Тиббиёт, муҳандислик, иқтисодиёт ва бошқа соҳаларда ишончли адабиётлар, сифатли таржима матнлари ҳамда электрон ресурсларга эҳтиёж катта.

Бу борада ҳурматли олимларимиз, тилшунос, таржимон ва мутахассисларнинг ҳамкорлиги зарур. Атамаларни танлашда маъно аниқлиги, уларнинг тушунарли ва халқаро илмий мулоқот билан боғлиқ бўлишига эътибор қаратишимиз керак. Луғатларимиз ҳам тилнинг жонли тараққиёти ва янги билимларни изчил акс эттириб бориши лозим.

Яна бир долзарб вазифа — ўзбек тилидан бугунги рақамли муҳитда ҳам тўлақонли фойдаланиш имкониятларини кенгайтиришимиз зарур. Бунинг учун сифатли матнлар ва нутқ намуналарини жамлаш, электрон луғатлар, таржима ва таҳрир воситаларини ривожлантириш алоҳида аҳамиятга эга.

Нутқни матнга, матнни овозга айлантирадиган технологиялар таълимда, меҳнат жараёнида ва кундалик ҳаётда одамларга қулайлик яратиши керак. Бундай ресурсларни тайёрлашда муаллифлик ҳуқуқи ва шахсий маълумотлар ҳимоясига оид қоидаларга амал қилиниши лозим.

Биз барпо этаётган инклюзив жамият талабларидан келиб чиққан ҳолда, улардан ногиронлиги бўлган инсонлар ҳам фойдалана олишига алоҳида эътибор қаратишимиз зарур.

Сунъий интеллект воситаларининг давлат тилидаги сифати уларнинг инсонга қанчалик аниқ ва фойдали ёрдам бераётгани билан баҳоланади.

Ёзув ва имло масалаларида ҳам асосий мезон одамларнинг ўқиши, ёзиши ва ахборотдан фойдаланиши учун қулайлик бўлиши керак. Бу борадаги ечимлар илмий асос, жамоатчилик билан мулоқот ва амалий тайёргарликка таяниши лозим. Таълим, нашриётлар ва рақамли тизимларнинг ўзаро мувофиқлиги, турли авлодларнинг эҳтиёжлари пухта ҳисобга олиниши зарур.

Фурсатдан фойдаланиб, ўз тилимиз равнақи йўлида фидокорона меҳнат қилаётган олим ва тадқиқотчиларга, муаллим ва таржимонларга, адиб ва журналистларга, ноширлар ва ахборот технологиялари мутахассисларига самимий миннатдорлик билдираман. Ўзбек тилини меҳр билан ўрганаётган юртдошларимиз ва хорижлик дўстларимизга ҳам алоҳида ташаккур айтаман.

Она тилимизни севиб, ардоқлаб, унинг шуҳратини оширишга, дунё билан мулоқотини кенгайтиришга ҳар биримиз муносиб ҳисса қўшайлик!

Сиз, азиз ватандошларимни яна бир бор табриклаб, сизларга сиҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик ва фаровонлик, ютуқ ва омадлар тилайман.

Ўзбек тили байрами барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

“БОЛАЛАР ФАРОВОНЛИГИГА ИНВЕСТИЦИЯ: КЕЛАЖАК АВЛОДЛАРНИНГ БАРҚАРОР ВА АДОЛАТЛИ ТАРАҚҚИЁТИ САРИ ЙЎЛ” БУТУНЖАҲОН САММИТИ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Бошланиши 1-бетда

Шу билан бирга, кейинги икки йилдаги ислоҳотлар орқали инклюзив мактаблар сони 5 баробар ортиб, ногиронлиги бўлган болаларнинг 85 фоиздан ортиғи таълим хизматларига жалб этилди.

Бу ишларнинг ҳақиқий натижаси ҳар бир оила ҳаётида сезилиши керак. Чекка ҳудуддаги болага шифокор ўз вақтида етиб боряптими? Мактабда унга ўрганиш учун зарур шароит борми? Зўравонликка дуч келганида у ишонч билан ёрдам сўрай оладими? Биз ўз фаолиятимизни ана шу саволларга бериладиган амалий жавоблар билан баҳолашимиз лозим.

Биз учун оилани қўллаб-қувватлаш — боланинг хавфсизлиги ва энг устун манфаатларини таъминлаш демакдир. Бу ота-онага вақтида кўмак беришни, боланинг оиладан ажралиб қолишининг олдини олишни, зарур ҳолларда эса унга хавфсиз ва барқарор оилавий парвариш топишни талаб қилади.

Шу боис, ҳар бир бола меҳр ва ғамхўрликка асосланган оила муҳитида вояга етиши биз учун устувор аҳамиятга эга. Бугунги кунда етим ва ота-она қарамоғидан маҳрум болаларнинг 100 фоизи оила бағрида тарбияланмоқда.

Ўзимизда “Бир болага етти маҳалла ота-она”, деган ҳикмат бор. Унда болага бефарқ бўлмаслик, оилани ёлғиз қолдирмаслик маъноси мужассам. Бугун бу анъана давлатнинг аниқ кафолатлари, малакали мутахассислар хизмати ва ҳар бир боланинг шахсий дахлсизлигига ҳурмат билан мустаҳкамланиши керак.

Миллий тажрибамиздаги меҳр ва ҳамжиҳатликни дунёнинг илғор билимлари билан бойитишга интиламиз. “Ўз” ғоямизни биз шу маънода тушунамиз: ўз қадрини англаш, ўзганинг қадрини ҳурмат қилиш ва келажак учун масъулият олиш.

Бола ўз тили ва маданий илдизларидан куч олиб, бошқа халқларга ҳурмат билан қараб улғайиши керак. Унинг савол бериш, мустақил фикрлаш, ижод қилиш ва дунё билимини эгаллаш имкониятини кенгайтириш бу — ғоянинг ҳаётдаги ифодасидир. Ўзбекистондаги ҳар бир бола миллати, тили, эътиқоди, саломатлиги ёки оиласининг даромадидан қатъи назар, шундай имкониятга эга бўлиши лозим.

Ҳурматли анжуман иштирокчилари!

Қуролли можаролар, мажбурий кўчиш, иқлим ўзгариши ва иқтисодий қийинчиликлар болалар ҳаётига оғир таъсир кўрсатмоқда. Ҳар бир давлат ўз масъулиятини бажариши, халқаро ҳамкорлик эса миллий имкониятларни тўлдириши зарур.

Самарқанддаги мулоқотимизни қуйидаги амалий йўналишларга қаратишни таклиф этаман.

Аввало, бола ҳаётининг илк давридан узлуксиз кўмакни кучайтиришимиз керак. Она саломатлиги, тўғри овқатланиш, эрта ривожланиш ва мактабгача таълимни ўзаро боғлаш муҳим. Эҳтиёж қанча эрта аниқланса, оилага ёрдам шунча ўз вақтида етиб боради.

Болаларнинг оғир касалликларини эрта аниқлаш ва даволашда ҳамкорликни кенгайтиришни таклиф қиламиз. Хусусан, болалар онкологияси бўйича мутахассислар тажриба алмашиши, ташхис имкониятлари ва сифатли дорилардан фойдаланишни яхшилаш зарур. Боланинг яшаш жойи унинг ёрдам олиш имкониятини чеклаб қўймаслиги керак.

Шу мақсадда Биринчи хонимларнинг болалар онкологияси бўйича халқаро ҳамкорлик ташаббусини қўллаб-қувватлаймиз. Унинг жамоатчилик ва хайрия салоҳияти тиббий экспертлар тавсиялари, эҳтиёжга асосланган ёрдам ҳамда маблағларнинг очиқ сарфи билан боғланиши мақсадга мувофиқ. Бу ҳамкорлик миллий соғлиқни сақлаш тизимлари имкониятини мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим.

Яна бир устувор вазифа — болалар учун хавфсиз таълим ва рақамли муҳит яратиш. Кибербуллинг, эксплуатация ва шахсий маълумотлардан суиистеъмол қилишга қарши ҳамкорликни кучайтиришимиз зарур.

Айни пайтда болаларнинг билим олиши, ижод қилиши ва хавфсиз мулоқот имкониятларини кенгайтиришимиз керак. Бунинг учун болаларга ҳам, ота-оналар ва педагогларга ҳам рақамли саводхонлик бўйича амалий кўмак лозим.

Болалар иштирокини қарорларимизнинг ажралмас қисмига айлантиришни ҳам таклиф этамиз. Улар учун яратилаётган хизматлар ҳақида ўзларининг фикрини эшитишимиз керак. Бундай иштирок боланинг ёшига мос, ихтиёрий ва хавфсиз ташкил этилиши лозим.

Ушбу йўналишларда ҳамкорликни давом эттириш учун Самарқанд платформасини амалий мулоқот механизми сифатида шакллантиришдан манфаатдормиз. У мавжуд ташкилотлар билан ҳамкорликда самарали тажрибаларни алмашиш, ихтиёрий қўшма лойиҳаларни тайёрлаш ва натижаларни муҳокама қилишга хизмат қилиши мумкин.

Саммитнинг якуний декларацияси умумий интилишларимизни ифодалайди, деб умид қиламан. Уни амалий ишларга айлантириш учун манфаатдор ҳамкорлар билан масъуллар, ресурслар ва муддатлар белгиланган режаларни ишлаб чиқиш муҳим. Келишилган кўрсаткичлар асосида натижаларни очиқ муҳокама қилиш ўзаро ишончни мустаҳкамлайди.

Бунда эътиборимиз, айниқса, ёрдамдан четда қолаётган болаларга қаратилиши зарур. Фаровонлик йўлидаги тараққиёт ҳар бир боланинг ҳаётида сезилганида умумий ютуғимизга айланади.

Қадрли дўстлар!

Бола қайси мамлакатда ва қандай оилада туғилишини танламайди. Аммо унинг хавфсиз ўсиши, ўз қобилиятини кашф этиши ва келажагини қуриши учун қандай шароит яратиш бизнинг қарорларимизга боғлиқ.

Самарқандда бошланган ҳамкорлигимиз болаларнинг бугунги ҳаётини яхшилайдиган аниқ ишлар билан давом этишини тилайман.

Барчангизга сиҳат-саломатлик, масъулиятли фаолиятингизда муваффақият, саммит ишига самарали натижалар тилайман.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

МАЪНАВИЯТИМИЗНИНГ БЕТАКРОР ЖАВОҲИРИ

Дунёда шундай бебаҳо бойликлар борки, уларсиз бирор-бир миллатнинг мавжудлигини, унинг ўтмиши ва келажагини тасаввур этиб бўлмайди. Бу бойлик она тилидир. Тил шунчаки муомала ва мулоқот воситаси эмас. У миллатнинг руҳи, тарихи, маданияти, қадриятлари ва дунёқарашини ўзида мужассам этган кўзгудир.

Пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” халқаро анжуманлар саройида 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни муносабати билан тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда турли вазирлик ва идоралар, ижодий ташкилотларнинг вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, олимлар, маънавият тарғиботчилари, талаба ёшлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 21 октябрь — Ўзбек тили байрами куни муносабати билан Ўзбекистон халқига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси Хайриддин Султонов ўқиб эшиттирди.

Тантанали кеча Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси билан бошланди.

Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Мустақилликнинг ўттиз беш йиллигига бағишланган байрам тадбирида сўзлаган нутқидан видеолавҳа намойиш этилди. Чиндан ҳам Мустақиллик, энг аввало, бизга шону шарафимизни, муқаддас динимизни, она тилимизни, унутилаётган миллий қадриятларимизни қайтариб берди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаменти бошлиғи Нодир Жонузоқ жорий йилнинг 21 октябрь куни Президентимиз томонидан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштиришга оид қонуннинг имзолангани она тилимизга бўлган юксак эътибор намунаси эканини, ушбу ташаббус натижасида йиллар давомида баҳсларга сабаб бўлаётган масалага ечим топилганини таъкидлади.

Тадбирда Маҳмуд Кошғарий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Муҳаммад Ризо Огаҳий, Исҳоқхон Ибрат, Абдулла Қодирий, Ойбек, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов сиймолари сунъий интеллект ёрдамида акс эттирилган лавҳа она тилимиз равнақи йўлида боболаримизнинг заҳматли интилишларини намоён этгани билан аҳамиятли бўлди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат тилини ривожлантириш, унинг нуфузини ошириш ва халқаро майдондаги ўрнини мустаҳкамлаш бўйича катта ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан БМТ олий минбаридан ўзбек тилида нутқ сўзланиши тилимизнинг халқаро даражада тан олинишида тарихий воқеа бўлди. Ўзбекистоннинг ТДТга тўла ҳуқуқли аъзо сифатида кириши туркий тиллар оиласига мансуб бўлган ўзбек тилининг халқаро миқёсда ўрганилиши ва нуфузи ошишига кучли туртки берди. Халқаро Алишер Навоий олимпиадалари ва илмий анжуманлар орқали хорижда ўзбек тилига бўлган қизиқиш мунтазам рағбатлантирилмоқда. Тадбирда Ўзбекистонда фаолият юритаётган хорижий мамлакатларнинг фавқулодда ва мухтор элчилари видеотабриги ҳам тақдим этилди.

Ўзбек тили байрамига бағишланган мусиқий оқшомда мамлакатимизда истиқомат қилаётган хорижий фуқароларнинг ўзбек тилига муносабатлари акс эттирилган чиқишлар, ранг-баранг куй-қўшиқ ва композициялар намойиш этилди.

Тантанали тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддинжон Исмоилов иштирок этди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

САМАРҚАНД МУЛОҚОТИ:

ЭРТАМИЗ ЭГАЛАРИ СОҒЛОМ ВА ХАВФСИЗ МУҲИТДА УЛҒАЯДИ

Самарқанд шаҳрида 21 октябрь куни “Болалар фаровонлигига инвестиция: келажак авлодларнинг барқарор ва адолатли тараққиёти сари йўл” бутунжаҳон саммити ҳамда болалар онкологияси бўйича II халқаро конгресс ўз ишини бошлади.







Президентимиз Шавкат Мирзиёев жаҳон саммити иштирокчиларига табрик йўллади. Табрикни Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг Коммуникациялар департаменти бошлиғи — Президент матбуот котиби Шерзод Асадов ўқиб эшиттирди.

Табрикда қайд этилганидек, болалар фаровонлиги ҳақида гапирганда, аввало, уларнинг бугунги ҳаётини назарда тутамиз. Ҳар бир бола ҳозирнинг ўзида меҳр, хавфсизлик, сифатли таълим ва зарур тиббий ёрдамга ҳақли. Унинг қадри келажакда қандай касб эгаси бўлиши ёки қанча даромад келтириши билан ўлчанмайди. Боланинг соғлом ўсиши ва қобилиятини рўёбга чиқариши учун яратилган шароит мамлакатнинг узоқ муддатли тараққиётига ҳам мустаҳкам асос бўлади. Шу боис, болаликка йўналтириладиган маблағлар давлат сиёсатида изчил ва барқарор ўрин эгаллаши зарур.

Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, БМТ ва унинг Болалар жамғармаси — ЮНИСЕФ, Жаҳон банки, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро ижтимоий таъминот уюшмаси ва бошқа қатор ҳамкор ташкилотлар билан ҳамжиҳатликда ўтказилаётган мазкур саммитда 100 дан ортиқ давлатдан вакиллар, халқаро экспертлар, болалар ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилувчи мутахассислар иштирок этмоқда.

Нуфузли тадбирда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 81-сессияси раиси Халилур Раҳмон сўзга чиқиб, бутунжаҳон саммитини ўтказиш ташаббусини билдиргани ва анжуманни юқори савияда ташкил этгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди.

БМТ Бош котиби Антониу Гутерришнинг саммит қатнашчиларига мурожаатини БМТнинг Ўзбекистондаги доимий координатори Сабине Махл хоним ўқиб берди.

Саммитда мамлакатимизнинг Биринчи хоними, “Замин” халқаро жамоат фонди Васийлик кенгаши раиси Зироат Мирзиёева, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги директорининг биринчи ўринбосари Шаҳноза Мирзиёева сўзга чиқиб, болаларнинг соғлом ва хавфсиз муҳитда улғайиши, сифатли таълим ҳамда тиббий хизматлардан фойдаланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш масалаларига эътибор қаратди.

“Фарзанди учун ҳар қандай қийинчиликка бардош бераётган ота-оналарга чуқур ҳурматимни билдираман. Уларнинг меҳри, сабри ва умиди биз учун катта кучдир. Келинг, болаларнинг бахтли келажаги учун бирлашайлик! Кўз ёшлар ўрнига табассум, қўрқув ўрнига умид, дард ўрнига меҳр ва шифо бўлган дунёни биргаликда қурайлик!” деди Зироат Мирзиёева.

Ўзбекистон ташаббуси билан ташкил этилган саммитнинг асосий мавзуси бола ҳаётидаги ўзгаришларни алоҳида нафақа ёки хизмат натижаси сифатида эмас, балки соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя ва оилавий муҳитнинг биргаликдаги таъсири орқали баҳолашдир.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, кенг қамровли ислоҳотлар натижасида Ўзбекистонда туғуруқ жараёнида оналар ўлими ва болаларнинг ўсишдан ортда қолиши икки баробар қисқарди, мактабгача таълим қамрови 27,7 фоиздан 78 фоизга оширилди, олти ёшли болаларнинг қарийб 100 фоизи мактабга тайёрловга жалб этилди ҳамда олий таълим билан қамров 9 фоиздан 45 фоизга, яъни 5 баробар ошди.

Халқаро анжуман

Ўзбекистонда ижтимоий хизматлар тури 26 тадан 140 тага етган, болалар камбағаллиги 21,5 фоиздан 5,4 фоизга камайган. Мазкур кўрсаткичлар саммитга тақдим этилаётган миллий ислоҳотлар натижалари сифатида эътироф қозонди.

Мамлакатимиздаги 208 та “Инсон” ижтимоий хизматлар маркази ва қарийб тўққиз минг ижтимоий ходим оилалар эҳтиёжини баҳолаш, индивидуал ёрдам режасини шакллантириш ва зарур хизматларга йўналтириш жараёнида иштирок этмоқда. Ижтимоий реестрда қайд этилган оилалар ва болаларга оид маълумотлар ёрдамни манзилли ташкил этишда қўл келяпти. Бундай ёндашув давлат хизматини фуқаро мурожаатини кутишдан хавфни эрта аниқлаш ва оилага яқин жойда кўмак кўрсатишга йўналтирмоқда.

Ўзбекистонда касалликка шубҳа пайдо бўлганидан даволаш бошлангунига қадар муддат 130-160 кундан 10-18 кунга қисқарган, онкологик касалликларда бир йиллик яшовчанлик 37 фоиздан 44,5 фоизга ошгани қайд этилган. Ўсмага қарши препаратлар номенклатураси 89 тадан 194 тага, дори таъминоти даражаси 33 фоиздан 88 фоизга етган. Бу рақамлар бир йиллик яшовчанликка тегишли бўлиб, беш йиллик омон қолиш кўрсаткичи сифатида талқин қилинмайди.

Жаҳон саммитининг аҳамияти, болалар фаровонлигини таъминлашга қаратилган ташаббуслар ҳамда тадбирнинг юқори савияда ташкил этилгани хорижий ОАВ вакиллари ва халқаро экспертлар эътиборини тортмоқда. Иштирокчилар фикрича, бугун болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг хавфсизлиги, соғлиғи ва муносиб келажагини таъминлаш халқаро ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо этади.

— Бугунги кунда болаларнинг хавфсиз, соғлом ва бахтли ҳаёт кечириши учун масъулият тобора ортиб бормоқда, — деди БМТ вакили Наргиз Шекинская. — Айниқса, дунёда турли ижтимоий муаммолар, тенгсизлик ва болалар ҳуқуқларини таъминлаш билан боғлиқ масалалар долзарблашиб бораётган бир пайтда бундай халқаро саммитларнинг аҳамияти янада ортади. Тадбирнинг ташкилий жиҳатлари жуда юқори савияда эканини алоҳида таъкидлашни истардим. Биз саммитни ташкил этишдаги саъй-ҳаракатлари ва кўрсатилган меҳмондўстлик учун Ўзбекистондан жуда миннатдормиз.

Саммит доирасида “Дунё бола нигоҳида” концепцияси асосида махсус кўргазма ташкил этилди. Экспозиция бўлажак онага ғамхўрлик, хавфсиз туғруқ, илк ривожланиш, оилада яшаш, таълим олиш ва мустақил ҳаётга тайёргарлик босқичларини ягона ҳикояга бирлаштиради.

Саммитда кўтариладиган масалаларнинг умумий мезони — боланинг ҳаёт сифатидаги аниқ ўзгариш. Мазкур ёндашув халқаро иштирокчилар учун эрта ривожланиш, зўравонликдан ҳимоя, инклюзив таълим, болалар онкологияси ва оилаларни қўллаб-қувватлаш бўйича тажриба алмашиш ҳамда келгуси ҳамкорлик имкониятларини муҳокама қилишга асос яратади.

Халқаро саммит 22 октябрь куни ҳам ўз ишини давом эттиради.

Рашид ХЎЖАМОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Хитой сармояси иштирокида ташкил этилган “Қашқадарё Жингу” агрокластери Косон, Нишон, Ғузор, Кўкдала ва Миришкор туманларидаги 18,3 минг гектар майдонда фаолият юритади.

2026 йил 22 октябрь, 219-сон

ҚАШҚАДАРЁДА ИСЛОҲОТЛАР ШИДДАТИ: ИШОНЧ, ИМКОНИЯТ ВА НАТИЖА БИЛАН ХАЛҚИМИЗ ҚАЛБИГА КИРИБ БОРМОҚДА

Бошланиши 1-бетда

Президентимиз Қашқадарё вилоятига ташрифи чоғида ана шундай инвесторларнинг бир гуруҳи билан мулоқот қилиб, янги лойиҳаларни ишга тушириш ва қурилишига старт берди.

— Энди етиштирилган маҳсулотни вилоятнинг ўзида чуқур қайта ишлаб, воҳа аҳолисининг муносиб даромад топишига шароит яратиш керак, — деди Президентимиз.

Умумий қиймати 6 миллиард долларлан зиёд бўлган 161 та янги лойиҳа ана шу мақсад учун хизмат қилади. Маросимда 69 та лойиҳа ишга туширилди. Яна 92 тасининг қурилишига старт берилди. Ишга туширилаётган 28 та саноат корхонасида 7000 га яқин доимий иш ўрни очилмоқда. Муҳими, ушбу ишлаб чиқариш қувватлари замон талабларига тўла жавоб беради. Масалан, хорижлик инвестор иштирокида Қарши туманида чиқиндидан электр энергияси ишлаб чиқарадиган 150 миллион долларлик завод қурилмоқда. Йил якунигача ишга тушадиган корхона табиатни зарарли чиқиндилардан самарали ҳимоялаш имконини беради. Шунингдек, Китоб, Яккабоғ ва Шаҳрисабз туманларида умумий қуввати 58 мегаватт бўлган тўққизта микро ГЭС барпо этилади. Умуман, янги лойиҳаларнинг барчасида ўзига хослик, бир-бирини такрорламайдиган йўналишлар мавжуд. Шунинг ўзиёқ янгиланишлар муайян йўналиш ва соҳалар кесимида эмас, балки комплекс бўй кўрсатаётганини англатади.

Ўзбекистон етакчиси вилоятга сармоя, янги технология ва инновациялар олиб кираётгани учун хорижлик инвесторларга миннатдорлик билдирди. Уларнинг таклифларини тинглади.

— 2027 йил Қашқадарёни замонавий саноат ва агротехнологиялар асосида ривожлантириш йили бўлади, — деди давлатимиз раҳбари.

Шундан сўнг Президентимиз рамзий тугмани босиб, янги лойиҳаларни ишга тушириш ва навбатдагиларининг қурилишига старт берди. **Ушбу лойиҳалар кучли сиёсий ирода сабаб Ўзбекистон иқтисодиёти пахта даласидан чиқиб, замонавий мезонлар асосида юксалиб бораётганининг тасдиғи бўлди.** Бунга яна бир мисол: қашқадарёлик деҳқонлар етиштирган маҳсулотлар вилоятнинг ўзида чуқур қайта ишланиб, жаҳон бозорида сотилаётир.

Давлатимиз раҳбари ташрифнинг навбатдаги манзилида ана шундай истиқболли лойиҳалардан бири билан танишди. “Қашқадарё” эркин иқтисодий зонасидаги “Wosune Food Ingredients Karshi” корхонасида ҳудудда етиштирилаётган мева-сабзавотлар чуқур қайта ишланади. АҚШнинг “Wosune International Inc” компанияси сармояси ҳисобидан барпо этилган корхонада сабзи, булғор қалампири, ошковоқ, олма, кўк пиёз, исмалоқ ва турли кўкатлар конвекцион ускуналарда қуритилади. Замонавий технология маҳсулотнинг табиий таъми ва озуқавий хусусиятларини йўқотмай қайта ишлайди. Тайёр ингредиентлар тез тайёрланадиган таомлар, зираворлар, консервалар ва косметика маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи компанияларга етказиб берилади. Ҳозир маҳсулотлар Европа ва МДҲ давлатларига экспорт қилиняпти. Йиллик экспорт ҳажмини 40 миллион долларга етказиш режа қилинган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: бу оддий одамларга нима беради? Илк амалий натижалардан бири сифатида корхонада 150 та доимий иш ўрни очилган. Бу аҳолининг доимий, юқори даромадли иш билан таъминланганини англатади. Хомашё вилоятдаги деҳқон хўжаликлари ҳисобидан таъминланади. Яъни улар корхона билан тўғридан тўғри кооперация алоқаларини йўлга қўяди. Шу тариқа аграр тармоқда яна бир ишончли ва барқарор бозор муҳити яратилмоқда.





Давлатимиз раҳбари корхонадаги ишлаб чиқариш жараёни ва тайёр маҳсулотларни кўздан кечирди.

Юртимизда юқори қўшилган қиймат яратадиган ана шундай корхоналарни ишга тушириш учун хорижлик сармоядорларни жалб этиш имконияти тобора кенгайиб бормоқда. Ана шу жараёнга мос тарзда ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш ҳам долзарб аҳамият касб этяпти. Қашқадарё илғор касбий маҳорат техникуми ва унинг негизида ташкил этилган “Касблар шаҳарчаси” ана шундай мақсадларни амалга оширишга хизмат қилади.

Ўқув бинолари ва лабораториялар, устахоналар, ётоқхона, спорт майдончаси, ошхона ва “Касблар шаҳарчаси”ни қамраб олган йирик лойиҳа қиймати 42 миллиард сўмни ташкил этади. Жами 14 та бино ва иншоотдан иборат мажмуада 80 та иш ўрни очилган.

Ҳозир бу ерда 10 та йўналиш бўйича 417 йигит-қиз таҳсил олмоқда. Улар Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой ва Жанубий Кореянинг илғор тажрибаси асосида касб ўрганаётир. Вилоятдаги бошқа касбий таълим муассасаларида таҳсил олаётган 2800 ўқувчи шу ерда амалиёт ўтайди. Шунингдек, техникумда амалиёт ва дуал таълимни ривожлантириш бўйича 32 та йирик ташкилот билан шартнома имзоланган. Яна 11 та ташкилот билан ҳамкорлик режаси тузилган. Бу бир вақтнинг ўзида назарий билимларни амалий кўникмалар билан мустаҳкамлаб бориш имконини беради.

Йил якунигача техникумнинг 500 ўқувчисига немис тили мукаммал ўргатилади ва Германияда ҳақ тўланадиган амалиётга юборилади. Давлатимиз раҳбари стажировкага кетаётган бир гуруҳ ёшлар билан суҳбатлашди.

— Барча саъй-ҳаракатимиз сизларнинг касб эгаллашингиз учун қаратилган. Касбли бўлсангиз, ҳеч қачон кам бўлмайсиз. Билим ва ҳунарни пухта эгалласангиз, қаерда бўлманг, ўз ўрнингизни топасиз. Бугун сизларга шундай имконият бериляпти. Ундан тўғри фойдаланасангиз, ўзингиз, фарзандларингиз ва невараларингиз учун фаровон ҳаётга замин яратасиз. Шунинг учун бир дақиқангиз ҳам бекор ўтмасин, — деди Президентимиз.

Кейинги йилларда ёшларнинг қизиқиши ва кўникмасига қараб мактабдаёқ касб ўргатишга жиддий эътибор берилмоқда. Бу йигит-қизларнинг вақтдан унумли фойдаланиб, ўз йўлини эрта танлашига хизмат қилади.

“Касблар шаҳарчаси” айнан шу жараёнда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. У мактаб ўқувчиларига замонавий касблар ўргатиладиган ва амалий кўникмалар шакллантириладиган инновацион таълим мажмуасидир. Ёшлар бу ерда ахборот технологиялари, “яшил” энергетика, робототехника, дронларни бошқариш ва электромобилларга хизмат кўрсатиш каби йўналишлар билан танишади. Шунингдек, тикувчилик, ошпазлик, сантехника, зоотехника ва агрономия бўйича амалий кўникмаларни эгаллайди.

> **Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида бўлган манзиллардаги ўзгаришларни яқиндан кузатиб, воҳада илгари сурилаётган ташаббус ва ғоялар, лойиҳалар самараси барча жабҳага чуқур кириб бораётгани, одамлар ҳаётида акс этаётганига ишонч ҳосил қилдик. Халқчил ислоҳотларнинг асл мазмун-моҳияти ҳам шунда, аслида.**

Ташриф давомида Президентимиз техникум имкониятларидан самарали фойдаланиш борасида масъулларга тегишли кўрсатмалар берди. Шунингдек, ёшларни касб-ҳунарга қамраб олиш, янги инвестиция лойиҳалари учун юқори малакали кадрлар базасини яратиш зарурлиги қайд этилди.

Шу ернинг ўзида Қашқадарё вилояти таълим тизимидаги замонавий ёндашувлар ҳамда Германия билан ҳамкорликда амалга оширилаётган истиқболли қўшма лойиҳалар тақдимоти ўтказилди.

Янги Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг илк палласиданоқ экологик масалаларга жиддий эътибор берилди. Рақамлар эмас, амалий натижа асосий мақсад этиб белгилаб олинди. Пировардида бу борада жуда катта натижаларга эришилди. Ўтган йилларда етарли тажриба тўпланди. Ҳар бир кўчатни қаерга, қандай экиш керак деган саволларга жавоб топилиб, илмий асосдаги ечимлар билан лойиҳани амалга оширишга киришилди. Шу маънода, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида Ғузор туманида ташкил этилган кўчатчилик маркази мазкур ислоҳотларни изчил давом эттиришда муҳим ўрин тутади.

Қашқадарёнинг ўзига хос табиати бор. Масалан, тоғларда айрим дарахтлар энди куртак ёзганида воҳанинг бепоён даштларида янтоқ гуллайди. Вилоят табиати бир вақтнинг ўзида тўрт фаслни кузатиш имконини беради. Шунинг ўзиёқ ҳар бир ниҳолни пухта билим асосида ерга қадаш заруратини кўрсатади. Шу маънода, хориж тажрибаси асосида сифатли кўчат етиштириладиган марказнинг ташкил этилиши соҳада муҳим ўрин тутади.

Мажмуада маҳаллалар эҳтиёжи, дарахтларни парваришлаш илми ва шу асосда янги иш ўринлари очиш эътиборга олинган. Жумладан, 65 гектар майдонда ташкил этилган мажмуада 100 га яқин иш ўрни очилди. Аҳоли ҳам кўчат етиштириш жараёнига жалб қилинган. Кооперация шартномалари асосида фуқаролар хонадонига етказиб берилган кўчат бир-икки мавсум парваришланади. Муҳими, уларни сотиб олиш кафолатланган. Бу ҳам аҳоли учун қўшимча даромад келтиради.

Марказнинг 50 гектар майдонида ўзига хос гўзал манзарали дарахтлар бўй чўзади. Яна 5 гектарда мевали дарахтлар, 3 гектарда бута ва гул кўчатлари парваришланади. Таъкидланганидек, мажмуадаги ишлар ҳам илмий ва замонавий ечимлар асосида йўлга қўйилган.

Мажмуада иссиқхона, уруғдан ниҳол етиштириш майдонлари ташкил этилган. Бундан ташқари, кўчатларни соялаш иншоотлари ҳам мавжуд. Муҳими, бу ерда томчилатиб суғориш тизими жорий этилган. Бунинг учун сиғими 4,2 минг куб метр бўлган учта мембранали сув ҳавзаси барпо этилган. Компост ва мульча тайёрлаш ускуналари ҳамда қуёш панелларидан фойдаланилмоқда.

Замонавий технологиялар йил давомида, жумладан, экиш мавсумидан ташқари вақтда ҳам кўчат етиштириш имконини беради. Ҳисоб-китобларга кўра, анъанавий усулларга нисбатан етиштириш ҳажми 8-10 баробар кўпайиб, сув сарфи 3 баравар камаяди. Бу кўчатлар таннархини 30-40 фоиз пасайтиришга хизмат қилиши кутилмоқда.

Марказда маҳаллалардаги яшил ҳудудларни кенгайтириш учун алоҳида хизматлар йўлга қўйилган. Масалан, маҳаллаларга кафолатли кўчат ва буталар етказиб берилади. Ҳудудлардаги зарарланган дарахтларни даволаш хизмати ҳам кўрсатилади. Шунингдек, мульчалаш ва томчилатиб суғориш тизимлари ўрнатиб берилади. Бундан ташқари, ҳар бир маҳаллага ўрмончи мураббий бириктирилади. У экиш мавсумидан олдин “еттилик” аъзоларининг билимини мустаҳкамлайди.

Давлатимиз раҳбари марказдаги шароитни кўздан кечирди. Кўчат экиш, боғ барпо этиш халқимизга хос эзгу анъана эканини таъкидлади.

Мамлакатимиздаги янгиланишлар қатъий сиёсий ирода билан илм, имконият ва имтиёз асосида олиб борилмоқда. Шу боис, пахта далалари йил сайин қисқариб, ҳосилдорлик ошиб боряпти. Президентимиз ташриф давомида Ғузор туманидаги “Қашқадарё Жингу” корхонаси пахта даласида ҳам бўлди. Ушбу майдонда Шинжон усулида пахта етиштирилмоқда.

Яқин-яқингача пахта дейилса, белгиланган режа ва охири кўринмас оғир меҳнат тушуниларди. Чигит экишдан тортиб, пахта ҳосилини йиғиб-териб олингунча каттаю кичик, ёшу қари — барча далада эди. Пахта давлат ва жамият ҳаётининг деярли ҳамма соҳасини қамраб олганди.

Амалга оширилган изчил ислоҳотлар туфайли сўнгги пайтларда бу борада иш тутуми ҳам, қарашлар ҳам тубдан ўзгарди. Соҳага илғор ғоялар, лойиҳалар кириб борди. Қўл меҳнати ўрнини замонавий техникалар эгаллади. Янгича ёндашув, замонавий бошқарув усуллари ва рақамли технологиялар жорий этилди. Соҳада самарадорлик ошди, бюрократик тўсиқлар камайди. Дала илм ва инновация майдонига айланди. Натижада ҳосилдорлик ҳам, манфаатдорлик ҳам ортди. Охирги йилларда пахта етиштиришда қўлланаётган Шинжон усули бунда муҳим аҳамият касб этмоқда. “Қашқадарё Жингу” корхонаси фаолияти бунга яққол мисолдир.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига чигит экиш, ғўзани суғориш ва парваришлашда қўлланаётган технологиялар ҳақида маълумот берилди. Корхонанинг 2,2 минг гектар майдонига чигит плёнка остига қўш қаторлаб экилган, томчилатиб суғориш тўлиқ жорий қилинган.

Чигитни плёнка остига экишнинг афзалликлари кўп. Жумладан, бунда тупроқдаги намлик ва ҳарорат сақланади. Чигит эрта ва бир текис униб чиқади. Томчилатиб суғориш тизими туфайли сув ва ўғит ғўзанинг илдизигача етиб боради. Натижада сув сарфи 30-40, ўғит сарфи қарийб 30 фоиз камаяди. Ҳосил анъанавий майдонлардагига нисбатан 10-15 кун олдин пишиб етилади.

Шунингдек, анъанавий усулда гектаридан 30-35 центнер пахта ҳосили олинса, Шинжон технологиясида бу кўрсаткич 60-70 центнергача етиши мумкин.

Президентимиз пахтазорда етиштирилган ҳосил ва агротехник тадбирларни ташкил этиш жараёни билан танишди. Корхона далаларида ҳосилдорлик гектарига 55 центнерни, ялпи ҳосил эса 12,3 минг тоннани ташкил этмоқда.

Хитой сармояси иштирокида ташкил этилган “Қашқадарё Жингу” агрокластери Косон, Нишон, Ғузор, Кўкдала ва Миришкор туманларидаги 18,3 минг гектар майдонда фаолият юритади. Эътиборлиси, ушбу ернинг катта қисми илгари фойдаланилмаган қаровсиз ҳудуд эди. Лойиҳага 128 миллион доллар инвестиция киритилиб, 50 та иш ўрни очилган. Экспорт қиймати эса 8,5 миллион долларни ташкил этади.

Шу ерда давлатимиз раҳбарига вилоят қишлоқ хўжалигида қилинаётган ишлар ҳақида ахборот ҳам берилди.

Мангу ёруг масканим маним,
Ўзбекистон Ватаним маним.

Элимизнинг ардоқли фарзанди, халқ шоири Абдулла Орипов қаламига мансуб ушбу мисралар ҳар бир юртдошимиз қалбидан чуқур жой олган. Зеро, ушбу замин, ЎЗ ВАТАНИМИЗ қалбларга шундай ёруғ туйғуларни олиб киради. Президентимиз илгари сурган ЎЗ тушунчаси мана шундай кенг қамровли. У мамлакатимиз миллий манфаатларини, халқимиз хоҳиш-иродасини тўла қамраб олади. Ватан туйғуси эса, аввало, уйимиздан, маҳалламиздан бошланади. Янги Ўзбекистонда барча масалага маҳалланинг ўзида ечим топиш вазифаси қўйилгани ҳам бежиз эмас.

Кейинги йилларда маҳаллалар янгича қиёфа касб этиб, инсон қадрини улуғлаш борасидаги ислоҳотларнинг асосий бўғинига айланиб бормоқда. Қамаши туманидаги Чим маҳалласи мисолида ҳам айни жиҳатлар кўзга яққол ташланади.

Давлатимиз раҳбари ушбу маҳаллага ташриф буюриб, бунёдкорлик ишлари ва аҳоли бандлигини таъминлаш чоралари билан танишди. Ушбу ҳудудга “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла” мақоми берилган. Мазкур дастур асосида Чимнинг инфратузилмаси тубдан янгиланди. Бунинг учун 55 миллиард сўм йўналтирилди. Аҳолиси 5500 дан ортиқ маҳалла учун 240 ўринли болалар боғчаси, 640 ўринли мактаб, маҳалла ва ёшлар марказлари, истироҳат боғи барпо этилган. Шунингдек, 4,5 километр йўл қурилиб, электр таъминоти ва суғориш тармоқлари янгиланди.



Давлатимиз раҳбари маҳалла марказидаги ўйингоҳда болалар ва уларнинг оналари билан суҳбатлашди. Маҳалла аҳолисининг қарийб ярми ёшлардан иборат. Ҳудудда ташкил этилган ёшлар кутубхонаси навқирон авлод вакилларининг юксак салоҳият эгалари сифатида камол топишига хизмат қилади.

Ўзбекистон етакчиси ушбу кутубхонада китобхон йигит-қизларнинг мақсад ва интилишлари билан қизиқди. Мулоқотда Ўзбек тили байрами муносабати билан Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов ва Ҳалима Худойбердиева ижоди ёдга олинди. Тилга, миллий адабиёт ва аждодларимиз меросига эътибор ортиб бораётгани қайд этилди.

— Бугун тилимизга, миллатимизга ва ўзлигимизга бўлган эҳтиром тобора юксалмоқда. Одамлар яна китоб ўқишга интиляпти. Ота-боболаримиздан қолган маънавий меросни қайта тиклаяпмиз. Қамашининг Чим маҳалласида ҳам шундай маънавий муҳит, шундай шароитлар яратилмоқда, — деди давлатимиз раҳбари.

Президентимиз олий таълим имкониятлари кенгайгани, билимли ва Ватанини севадиган кадрларни тайёрлаш мамлакат келажаги учун зарурлигини таъкидлади.

— Илгари 100 нафар ёшдан атиги 9 нафари олий таълимда ўқиган бўлса, бугун 45 нафари ўқияпти. Олийгоҳларни ташкил этиш, профессор-ўқитувчиларга шароит яратиш катта меҳнат талаб қилади. Лекин Ўзбекистоннинг келажаги учун миллий ғурури бор, Ватанни севадиган кадрлар керак. Мен сизларга ишонаман. Жонажон Ватанимиз, Қашқадарё воҳасининг келажаги сизларнинг қўлингизда, — деди мамлакатимиз етакчиси.

Кейинги йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш устувор йўналишга айланди. Ҳар бир ҳудуднинг тарихий илдизлари ва аҳолисининг йиллар давомидаги кўникмаларидан келиб чиқиб янги лойиҳалар амалга оширилмоқда. Ушбу жараён табиий равишда ривожланишга ҳисса қўшади. Чимда ҳам аҳоли даромадини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Одамларни ишли қилишнинг янги, замонавий ва даромадли йўналишлари юзага чиқарилмоқда. Маҳалладаги гиламчилик ва каштачилик корхонаси шулар жумласидан. Хотин-қизлар меҳнат қилаётган мазкур корхонага 3,5 миллиард сўм сармоя киритилган. Банклар кўмагида 20 га яқин хонадонда умумий майдони 36 сотихли иссиқхоналар ташкил этилган. Етиштирилган маҳсулотларни сақлаш учун эса 200 тоннали музлаткич қурилган. Натижада 80 дан ортиқ ишсиз фуқаронинг бандлиги таъминланган.

Шунингдек, маҳаллада кооперация асосида лимончилик йўлга қўйилган. Бунинг учун аҳолига кўчат, ўғит ва агротехник хизматлар етказиб берилади. Тайёр ҳосил эса кафолатланган нархда сотиб олинади. Лимон кўчатлари орасига картошка, брокколи карами ва кўкатлар экилиши ҳам қўшимча даромад олиб келади. Лимон ҳосилга киргунича ҳар бир иссиқхонадан қўшимча 14-16 миллион сўм даромад олиш мумкин. Маҳаллада тадбиркорлик ҳам ривожланиб бормоқда. Масалан, 70 тадбиркор фаолиятини кенгайтирган бўлса, 20 та янги субъект ташкил этилган. Автомагистраль бўйидаги хизмат кўрсатиш объектлари сони 31 тадан 137 тага етиб, 200 дан ортиқ янги иш ўрни очилган.

Қашқадарёликлар учун гул етиштириш иқтисодий барқарорлик кафолатига айланиб бормоқда. Буни Чим ва унга қўшни маҳаллалар мисолида ҳам кўриш мумкин. Бу ердаги 1200 та хонадонда кооперация асосида гулхайри етиштирилади. Мазкур гул фармацевтика ва косметика саноатида қўлланади.

Маҳаллага ташриф якуни ҳам анъанадан холи бўлмади. Президентимиз маҳалла фаоллари ва нуронийлар билан самимий суҳбатлашди. Улар маҳалладаги ўзгаришлар ҳақида фикрларини билдириб, юрт фаровонлиги ва ёшлар келажаги учун дуо қилди.

Президентимизнинг Қашқадарё вилоятига ташрифи давомида бўлган манзиллардаги ўзгаришларни яқиндан кузатиб, воҳада илгари сурилаётган ташаббус ва ғоялар, лойиҳалар самараси барча жабҳага чуқур кириб бораётгани, одамлар ҳаётида акс этаётганига ишонч ҳосил қилдик. Халқчил ислоҳотларнинг асл мазмун-моҳияти ҳам шунда, аслида.

Давлатимиз раҳбарининг Қашқадарё вилоятига ташрифи давом этмоқда.

Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбирлари



Мамлакатимизда тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилиб, бизнес муҳитини яхшилаш ва унинг олдидаги тизимли тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ишлар изчил давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказиб келинаётган очиқ мулоқотлар шу сиёсатнинг амалий маҳсулидир.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
yuz.uznews yuz.uz_news yuz.uz_news



Тадбиркорлик

Бугун дунё иқтисодиётидаги ўзгаришлар бир мамлакат ёки бир минтақа доирасида қолиб кетмаяпти. Геосиёсий зиддиятлар, савдо чекловлари, энергия бозоридаги ўзгаришлар, логистика йўналишларининг қайта шаклланиши ва таъминот занжирларидаги узилишлар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ. Бир ҳудудда юз берган можаро ёки табиий офат минглаб километр узоқликдаги бозорларда нархлар, етказиб бериш муддати ва ишлаб чиқариш режаларига таъсир кўрсатиши мумкин. Глобаллашув мамлакатлар ва бозорларни яқинлаштиргани сайин иқтисодий ўзгаришларнинг таъсир доираси ҳам кенгайиб бормоқда.

ҲИМОЯЛАНГАН ҲУҚУҚ, ҚАДРЛАНГАН ВАҚТ ВА ЭРКИН РАҚОБАТ

Юнусжон ИСОМИДДИНОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор,

Азиз МИХЛИЕВ,
мустақил тадқиқотчи

Бундай вазиятда иқтисодий барқарорликни таъминлаш фақат ташқи хатарларни ҳисобга олиш билан чекланмайди. Мамлакатлар ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолияти учун қулай шароит яратиш ва янги бозорларга чиқиш имкониятларини оширишга интилмоқда. Ташқи муҳит қанчалик ўзгарувчан бўлмасин, унинг таъсирини юмшатиш кўп жиҳатдан ички иқтисодий салоҳият ва бизнес муҳитининг барқарорлигига боғлиқ. Шу боис, ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, экспортчиларни қўллаб-қувватлаш ва тадбиркорлар учун барқарор шарт-шароит яратиш бугунги иқтисодий сиёсатнинг муҳим вазифаларидан.

Мамлакатимизда тадбиркорлик учун кенг имкониятлар яратилиб, бизнес муҳитини яхшилаш ва унинг олдидаги тизимли тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ишлар изчил давом этмоқда. Давлатимиз раҳбари бошчилигида ўтказиб келинаётган очиқ мулоқотлар шу сиёсатнинг амалий маҳсулидир. Ўтган беш йилда тадбиркорлар кўтарган минглаб масалалар юзасидан 84 та қонун, 861 та фармон ва қарор қабул қилинди. Хивадаги мулоқотда эса янги вазифалар белгилаб берилди: энди бизнесни бошлашга шароит яратиш билан бир қаторда уни кенгайтириш, капитални кўпайтириш, янги бозорларга чиқиш ва замонавий технологияларни жорий этишга йўл очиш муҳим. Сўнгги йилларда бизнесга ажратилган кредит портфелининг қарийб уч карра ошиб, 450 триллион сўмга етгани, тадбиркорлар 650 триллион сўмлик солиқ ва божхона имтиёзларидан фойдалангани, асосий капиталга инвестициялар уч карра кўпайгани шу мақсаднинг амалий кўринишидир.

Хотиржамлик бўлмаган жойда ривожланиш бўлмайди

Ҳар қандай инвестициянинг биринчи шарти — маблағдан олдин ишонч. Завод қуриш учун қурилиш материаллари, янги цех очиш учун кредит керак. Лекин буларнинг барчасидан олдин тадбиркорда эртанги кунга ишонч бўлиши лозим. У янги ишчиларни ишга қабул қилар экан, корхонасининг эртага ҳам барқарор ишлашини тасаввур қила олиши даркор. Шу маънода, очиқ мулоқотда айтилган “хотиржамлик бўлмаган жойда эркинлик ҳам, ривожланиш ва янгиликка интилиш ҳам бўлмайди” деган фикр иқтисодий мазмун касб этади.



Тадбиркор учун хотиржамлик, аввало, назорат мақсади ва чегаралари аниқлиги, қоидаларнинг тушунарлилиги, давлат билан муносабатларнинг адолатли қурилишида намоён бўлади. Ҳар бир янги инвестиция ортидан қандай маъмурий тўсиқ пайдо бўлишини ўйлаб иш тутадиган тадбиркор капиталини кенгайтиришга ҳам эҳтиёткорлик билан ёндашади. Ортиқча текширув ва ҳужжатбозлик кўпайган сари янги маҳсулот, технология ва иш ўринларига йўналтириладиган маблағ камаяди. Шунинг учун тадбиркорлар кўтарган масалалар бўйича очиқ мулоқотда илгари сурилган янги ташаббусларнинг бешинчиси бизнесга маъмурий босимни кескин камайтиришга қаратилди. Бир неча йил меҳнат қилиб корхона очган, кредит олган ва одамларни иш билан таъминлаган тадбиркор вақтини текширувларга эмас, ишлаб чиқариш, янги буюртмалар ва бозорни кенгайтиришга сарфлаши керак.

Фаолияти таҳлил қилинган 5000 тадбиркорлик субъектининг ярмидан кўпида бир йил ичида икки-уч марта, 21 фоизида эса тўрт мартадан солиқ текшируви ўтказилгани муаммонинг кўламини кўрсатади. Бунга ёнғин хавфсизлиги, қурилиш, санитария, карантин ва энергия назорати билан боғлиқ такрорий текширувлар ҳам қўшилиши мумкин. Бундай вазиятда тадбиркорнинг эътибори бозор ва ишлаб чиқаришдан ҳужжатбозликка кўчади. Иқтисодий энергия эса янги маҳсулот ва иш ўринлари яратиш ўрнига самарасиз маъмурий жараёнларга сарфлана бошлайди.

Кичик бизнесда инсон саломатлиги ва бошқа тадбиркорлар манфаатига дахл қилмайдиган текширувларга уч йиллик мораторий жорий этилиши тадбиркорга берилган муҳим кафолатдир. Такрорий текширувларни Бизнес-омбудсман рухсати билан ўтказиш тартиби ҳам иш жараёнини ортиқча узилишлардан асрайди. Тадбиркорнинг текширувга сарфлаган ҳар бир куни корхона учун йўқотилган вақт, кечиккан буюртма ва бой берилган даромаддир. Ўрта ва йирик бизнес учун ихтиёрий профилактик аудит эса муаммони олдиндан аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш имконини беради. Камчиликлар тузатилса, шу давр учун солиқ текшируви ўтказилмайди ва жарима қўлланмайди. Назоратнинг асосий вазифаси — бизнеснинг барқарор ишлаши, қонунга риоя этиши ва тадбиркорнинг эркин фаолият юритиши учун шароит яратишдир.

“Соя”дан чиқаётган ишбилармонлик

Солиқ сиёсатидаги ўзгаришларга ҳам шу нуқтаи назардан қараш мумкин. Сўнгги ўн йилда яширин иқтисодиёт улуши 50 фоиздан 26 фоизга тушди. Бу — катта силжиш. Аммо иқтисодиётнинг “соя”да қолган қисмини қисқартириш учун тадбиркорнинг олдида қонуний ишлаш йўли равшан бўлиши керак. Талаблар тушунарли, ҳисоб-китоблар содда, расмий фаолиятнинг манфаати аниқ бўлган муҳитда тадбиркор ҳам ўзини яширишга сабаб изламайди. Қонуний ишлашнинг ўзи қулай йўлга айланган сари “соя”нинг ҳудуди тораяди.

Жарима масаласи ҳам шу манзаранинг бир қисми. Бугун 51 та идора молиявий жарима қўллаш ваколатига эга. Бу ваколатнинг иқтисодий натижаси қандай бўлиши ҳам муҳим. Агар жарима идора учун даромад манбаига айланиб қолса, назоратнинг асосий мақсади — қоидага риоя эттириш ва қонун бузилишининг олдини олиш — иккинчи ўринга тушиб қолиши мумкин. Тадбиркор эса ҳар бир хато ортидан қанча маблағ тўлашини эмас, қандай қилиб хатога йўл қўймасликни ўйлаши керак. Шунинг учун барча турдаги жарималар миқдорини ўртача икки баробар камайтириш ташаббуси жазони оғирлаштиришдан кўра профилактикага урғу беришга қаратилган.

Тадбиркор билан давлат ўртасидаги ишончнинг яна бир мезони — пулнинг ўз вақтида қайтиши. Масалан, давлат корхонаси тадбиркордан маҳсулотни қабул қилиб олди, лекин тўлов муддатини кечиктирди. Ташқаридан қараганда бу оддий ҳисоб-китоб масаласидек кўринади. Аслида эса кечиккан ҳар бир тўлов кичик бизнеснинг бутун айланмасини силжитади. Бугун олинмаган пул — эртага ишчига кечиккан маош, банкка узилмаган кредит, етказиб берувчига тўланмаган қарз, қабул қилинмаган янги буюртма бўлиши мумкин. Шу сабабли, қабул қилинган товар бўйича гаров пулини автоматик қайтариш тизимининг жорий этилиши оддий техник янгилик эмас. У тадбиркорнинг айланма маблағини ўз вақтида ҳаракатга келтириш, ишлаб чиқариш занжирини узмаслик ва бизнесдаги ишончни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу ташаббусларнинг ҳуқуқий асоси давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг тадбиркорлар билан VI очиқ мулоқотида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида ўз ифодасини топди. Ҳужжатда “Тадбиркорнинг ҳақлиги презумпцияси” тамойилининг белгиланиши давлат ва бизнес ўртасидаги муносабатларда муҳим чегарани белгилайди. Энди давлат органи тадбиркорни айбдор деб ҳисобласа, буни судда асослаши керак. Тадбиркорнинг ҳар бир идора олдида ўзини оқлаб юришига йўл қолмаслиги ҳуқуқий муҳитдаги ишончни мустаҳкамлайди.

“Биринчи хато учун — огоҳлантириш” қоидаси ҳам шу мантиқни давом эттиради. Биринчи қоидабузарлик инсон ҳаёти, соғлиғи ёки мулкига зарар етказмаган бўлса, тадбиркорга камчиликни тузатиш учун ўн кун берилади. Бу ёндашувда жазодан кўра тузатишга устуворлик берилмоқда. Чунки бир хато сабаб корхонани жаримага ботириш осон, унинг иш ўрни ва ишлаб чиқаришини сақлаб қолиш эса иқтисодиёт учун анча қимматли.

“Сукут — розилик” тамойили

Давлат органларининг суддаги масъулиятини ошириш ҳам шу тизимнинг муҳим бўғинидир. Тадбиркор судда ўз ҳақлигини исботлаганидан кейин ҳам ишнинг юқори инстанцияларга олиб чиқилиши унинг вақти ва маблағини яна сарфлайди. Назорат органларига кейинги суд босқичларида давлат божини тўлаш талабининг белгиланиши қарор қабул қилувчи идора зиммасига қўшимча масъулият юклайди. Бу ерда гап фақат суд харажати ҳақида эмас. Масала давлат органининг ҳар бир қарори оқибати учун жавоб бериш маданиятини шакллантиришда.

Тадбиркор учун вақтнинг ўзи ҳам иқтисодий ресурс. Давлат хизматларининг 50 фоизини “сукут — розилик” тамойилига ўтказиш шу нуқтаи назардан муҳим. Белгиланган муддатда жавоб ололмаган тадбиркорнинг ҳафталаб идорама-идора юриши бизнес учун йўқотишдир. Бир кечиккан рухсатнома янги шартномани, бир кечиккан қарор эса бутун инвестиция режасини орқага суриши мумкин.

Лицензия ва рухсатномаларни қисқартириш чоралари ҳам ана шу муаммонинг амалий ечимига қаратилган. 30 дан зиёд фаолият тури бўйича лицензия ва рухсатномаларнинг бекор қилиниши, 35 тасида бериш муддатининг икки-уч баробар қисқартирилиши, 10 тасининг хабардор қилиш тартибига ўтказилиши тадбиркорни ортиқча маъмурий жараёнлардан халос қилади. Овқат экспортида учта алоҳида рухсатнома ўрнига “Ягона саломатлик сертификати” жорий этилиши давлат хизматларини тадбиркорнинг иш жараёнига мослаштиради.

Янги лицензия ва рухсатномаларни олти ой давомида учта ҳудудда синаб кўриш талаби эса бошқарувдаги муҳим ўзгаришни кўрсатади. Қарор қабул қилишдан олдин унинг ҳаётдаги таъсирини кўришга урғу берилмоқда. Чунки кабинетда тузилган қоида билан цехда ишлайдиган қоиданинг фарқи бор. Ҳужжатда қулай кўринган талаб ишлаб чиқариш жараёнини мураккаблаштирса, унинг иқтисодий самараси шубҳа остида қолади. Шу маънода, ислоҳотнинг энг тўғри мезони тадбиркорнинг иши қанчалик енгиллашганидир.

Юқори қўшилган қиймат сари

Янги босқичнинг яна бир муҳим йўналиши технология ва юқори қўшилган қиймат яратишга бориб тақалади. “Келажак тадбиркори” дастурида электроника, робототехника, машинасозлик, фармацевтика, замонавий кимё, энергия ва сув тежовчи технологияларга эътибор қаратилиши бежиз эмас. Жаҳон бозорида рақобат арзон меҳнат ёки хомашё билан чекланиб қолмаяпти. Ким кўпроқ билим, технология ва инновация яратса, қиймат занжирининг юқорироқ поғонасига кўтарилади. Шу нуқтаи назардан, хомашёни экспорт қилишдан кўра, уни тайёр маҳсулотга айлантириш мамлакат учун анча катта иқтисодий имконият очади.

Инвесторнинг танлови ҳам шу мантиққа қурилади. У мамлакатга киришда бозор ҳажми билан бирга қоиданинг аниқлиги, мулк ҳимояси, суд тизими ва рақобат муҳитига қарайди. Капитал учун ишонч иқтисодий қарорнинг энг муҳим шартларидан бирига айланмоқда. Демак, тадбиркор учун мамлакат ичида яратилаётган муҳит фақат ички бизнес масаласи бўлиб қолмай, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётидаги рақобат мавқеига ҳам таъсир кўрсатади.

Хоразм мисоли бу жараённинг амалий натижаларини кўрсатади. Хивадаги мулоқотда вилоятга сўнгги йилларда 4 миллиард доллар хорижий инвестиция киритилгани, 10 мингта янги қувват ишга туширилгани, иқтисодиётнинг 72 фоизини кичик бизнес яратаётгани ва экспортда унинг улуши 81 фоизга етгани қайд этилди.

Тадбиркорликнинг жамиятга таъсири ҳам шу ерда намоён бўлади. Бир корхона ишга тушганда унинг таъсири корхона деворлари билан чекланмайди. Ишчи маош олади, оила рўзғори яхшиланади, маҳаллада талаб ортади, янги хизматлар ва бюртмалар пайдо бўлади. Бир кичик устахона катта ишлаб чиқаришга, бир оилавий хўжалик экспорт лойиҳасига айланиши мумкин. Иқтисодий ўсиш кўпинча ана шу кичик ҳаракатларнинг катта занжири орқали юзага келади.

Шу нуқтаи назардан, давлатнинг вазифаси ҳам аниқ кўринади. Тадбиркорнинг ишлаши учун ишончли майдон яратиш муҳим. Дунё иқтисодиётида ташқи хавфлар кучайиб, бозорлар тез ўзгараётган бир пайтда барча хатарларни тўхтатиб қўйишнинг иложи йўқ. Лекин мамлакат ичида мустаҳкам таянч яратиш мумкин. Аниқ қоида, ҳимояланган ҳуқуқ, қадрланган вақт ва адолатли рақобат ана шу таянчнинг устунларидир. Улар қанчалик мустаҳкам бўлса, ташқи иқтисодий зарбаларга бардош ҳам шунчалик ортади.

Муносабат

МИЛЛИЙ АҲАМИЯТГА МОЛИК МАСАЛА

Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодий қудрати, озиқ-овқат хавфсизлиги ва стратегик мустақиллиги, аввало, ер ресурсларидан қай даражада самарали фойдаланишига боғлиқ. Зеро, ер шунчаки табиий бойлик эмас, балки миллий тараққиётнинг мустаҳкам пойдевори, аҳоли фаровонлиги ва иқтисодий барқарорликнинг муҳим кафолати.





Ердан оқилона фойдаланиш нафақат бугуннинг иқтисодий вазифаси, балки келажак авлодлар олдидаги сиёсий ва стратегик масъулият ҳамдир. Бироқ бугун барча ердан бирдек самарали фойдаланилмайди. Шундай ҳудудлар борки, уларнинг табиий унумдорлиги сақланиб қолган бўлса-да, хўжалик фаолияти йўлга қўйилмаган. Бундай ер аслида музлатиб қўйилган иқтисодий сармоя. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва чорвачилик хомашёсига талаб ортиб бораётган бугунги шароитда эса ушбу салоҳиятни ишга солиш миллий аҳамиятга эга масалага айланмоқда.

Масалан, яйловлар чорва учун озуқа базасини яратиш, маҳсулотларни қайта ишлашни ривожлантириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда фермер хўжаликларини ташкил этиш орқали даромад манбаига айланиши мумкин.

Сувдан фойдаланиш имконияти ва энг зарур инфратузилма мавжуд ҳудудларда ҳаёт қайта жонланади. Асосийси, иқтисодий фаоллик тикланади. Бундай ҳудудларга сармоя киритиш харажат эмас, балки узоқ муддатли фойда келтирадиган даромад манбаидир. Илгари фойдаланилмай ётган ер иқтисодий активга айланади. Озуқа етиштирилади, янги иш ўринлари очилади. Аҳолининг даромади ошади. Одамларнинг ўз ҳудудида муқим яшаб меҳнат қилиши учун шароит яратилади.

Бугун деградацияга учраган ерни тиклаш нафақат экологик вазифа, балки иқтисодий заруратдир. Зеро, чидамли ўсимлик турлари экилиб, сув мувозанати сақланган ҳудудларда янги экотизим шаклланади. Бундай ёндашув тупроқ эрозияси, шўрланиш ва чўлланиш жараёнига қарши курашиш имконини беради. Бу, айниқса, иқлим шароити беқарор ва табиий хавф-хатар юқори бўлган минтақаларда озиқ-овқат хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлашнинг муҳим асоси.

Қишлоқ хўжалиги самарадорлиги бугун қанча маҳсулот етиштирилгани эмас, балки ресурсларни қай даражада асраб-авайлаш, камроқ сарф-харажат билан кўпроқ ҳосил олиш ва аҳоли учун даромад манбаини яратиш каби мезонлар билан ўлчанмоқда. Яйловлар ва ўрмон еридан самарали фойдаланиш айнан шу мақсадларга хизмат қиладиган, экология, иқтисодиёт ва ижтимоий сиёсатни ўзаро уйғунлаштирадиган муҳим восита.

Жорий йил 14 октябрь куни давлатимиз раҳбари ҳузурида яйловлар деградациясининг олдини олиш, сув таъминотини яхшилаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш юзасидан қилинаётган ишлар тақдимоти ўтказилди.

— Тақдимотда соҳани ривожлантиришга қаратилган янги ташаббус ва таклифлар билдирилди, — дейди қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари, чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги директори Ориф Бўтаев. — Ҳозир мамлакатимизда 21 миллион 255 минг гектар яйлов мавжуд. Давлатимиз раҳбари ушбу катта имкониятни тўлиқ ишга солиш юртимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда фавқулодда муҳим эканини кўрсатиб ўтди.

Президентимизнинг айни мақсадда яқинда яйловлардан самарали фойдаланиш бўйича имзоланган қарори ижросини ташкил этиш борасида ҳам қатор вазифалар белгилаб олинди. Мазкур ҳужжат билан яйловлардан фойдаланувчиларга қўшимча имтиёзлар берилмоқда. Шунингдек, қарордан яйловларда майда шохли молларни кўпайтиришга қаратилган қатор чора-тадбирлар ўрин олган.

Қолаверса, жамоат яйловларини фойдаланишга киритишда аҳолига яқин ҳудудларда бевосита фуқаролар йиғинлари иштироки таъминланади. Олис ҳудудлардаги аҳоли ўз хонадонидаги чорвани ўтлатиши учун жамоат яйловлари ташкил этилади. Йил якунигача 470 та маҳаллага 627 минг гектар яйлов 49 йилга бепул ижарага берилади. Ушбу майдонлар солиқдан озод қилинади. Бу ердаги сув тармоғи, инфратузилма давлат ҳисобидан барпо этилади.

Мутасаддилар олдига йил якунига қадар 620 минг гектар, келгуси йилда 3 миллион 700 минг гектар яйловни қайта тиклаш ва ҳосилдорлигини ошириш вазифаси қўйилди. Улар Чорвачилик ва яйлов хўжалигини ривожлантириш агентлиги билан бир ой муддатда деградацияга учраган майдонларни жорий йилда 10 фоиз, келаси йили 20 фоиз қисқартириш бўйича комплекс дастурларни тасдиқлайди.

Яйловлардан узоқ йиллардан буён фойдаланиб келаётган чорвадорларнинг ҳуқуқларини расмийлаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Ҳозир 260 минг бош чорва боқилаётган 623 минг гектар яйловни амалдаги фойдаланувчилар номига расмийлаштириш учун тегишли комиссиянинг ваколати йил охиригача узайтирилади.

Янги тартибга кўра, яйлов ерининг тоифасини ўзгартирмай, чорвачилик комплекслари қуришга рухсат берилади. Бу жараёнда ер участкаларининг бошланғич нархи ва ер солиғи қишлоқ хўжалиги ериники каби ҳисобланади.

Ушбу тоифадаги майдонларни оқилона бошқариш чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳажмини ошириш билан бирга, аҳоли учун барқарор даромад манбаини яратишга ҳам хизмат қилади. Пухта режалаштирилган ва илмий асосланган ёндашув орқали яйловларни тўлақонли иқтисодий ресурсга айлантириш мумкин. Бу — чорвачиликни ривожлантириш, ер унумдорлигини ошириш ва янги иш ўринларини очиш демак.

Яйловлардан фақат чорва боқиш учун эмас, балки экотуризм, асаларичилик, доривор ўсимликлар етиштириш, кўчатчилик, овчилик ва биллачилик йўналишларида ҳам фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли яйловларни мазкур фаолият тури учун ижарага беришга рухсат этилади. Бунда яйловнинг имконияти фақат анъанавий фойдаланиш билан чекланиб қолмайди. Замонавий ёндашувлар, экотуризмни ривожлантириш, аҳоли ва сайёҳлар учун дам олиш масканларини ташкил этиш, ҳудудларнинг ноёб табиий мероси билан кенгроқ танишиш учун шароит яратишни назарда тутади.

Бундай лойиҳаларни амалга оширишда яйловларнинг табиий ҳолатини сақлаш ва қайта тикланишини таъминлаш ғоят муҳим. Айни мақсадда яйловларни тиклаш, сув ва озуқа базасини мустаҳкамлаш, аҳоли ҳамда тадбиркорлар учун белгиланган янги имкониятларни жойларда амалга ошириш бугуннинг долзарб вазифаси.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Таҳлил

ҒОЯ ҚАЧОН ҚИЙМАТГА АЙЛАНАДИ?

Стартап замонавий атама бўлгани билан мазмуни халқимизга бегона эмас: муаммони кўриш, ечим топиш, таваккал қилиш ва меҳнат орқали янги қиймат яратиш. Бугун бу жараён рақамли технология, илм-фан ва тадбиркорликни бир нуқтада бирлаштирмоқда.



Шавкат ТЎРАЕВ,
Тошкент ахборот технологиялари университети проректори, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Рақамли хизматга талабчан авлод

Дунё иқтисодиётида катта ўзгариш юз бермоқда. Илгари корхона очиш учун, аввало, бино, қиммат ускуна ва катта маблағ керак деган тасаввур устун эди. Бугун эса бир гуруҳ билимли ёш, аниқ муаммо ва уни ҳал қиладиган технология қисқа вақтда янги хизмат, янги бозор ва янги иш ўринларини ярата олади. Бир хонада бошланган дастурий ечим миллионлаб фойдаланувчига етиб бориши, маҳаллий эҳтиёждан туғилган ғоя хориж бозорида ҳам талабгир бўлиши мумкин. Шу боис, стартаплар энди фақат ахборот технологиялари соҳасининг қизиқарли ҳодисаси эмас, балки миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигининг муҳим омилига айланмоқда.

Ўзбекистон учун бу масала, айниқса, долзарб. Чунки мамлакатимиз аҳолисининг аксарияти ёшлардан иборат. Янги билимни тез ўзлаштирадиган, рақамли хизматларга талабчан авлод улғаймоқда. Ҳар йили меҳнат бозорига кириб келаётган ёшларга фақат мавжуд иш ўринларини таклиф қилиш етарли эмас. Уларнинг бир қисми янги иш ўрни очадиган, маҳаллий муаммога ечим топадиган ва маҳсулотини экспорт қиладиган ташаббускорга айланиши керак. Стартап муҳити ана шу ўзгаришни — иш қидирувчи ёшдан қиймат ва иш ўрни очувчи ёшга ўтишни тезлаштиради.

Бироқ бу жараённи фақат танловлар, совринлар ёки чиройли тақдимотлар билан баҳолаб бўлмайди. Стартапнинг ҳақиқий қиймати одамнинг ҳаётини енгиллаштиргани, корхона харажатини камайтиргани, давлат хизмати сифатини оширгани, янги даромад ва бандлик манбаини яратганида кўринади. Демак, мақсад стартаплар сонини шунчаки кўпайтириш эмас, балки уларнинг иқтисодий ва ижтимоий самарасини ошириш бўлиши лозим.

Қулай ечимга асосланган бизнес ташаббус

Оддий айтганда, стартап янгича ечимга асосланган ва тез кенгайиш имконига эга бизнес ташаббусидир. Янги очилган ҳар қандай корхона стартап бўлавермайди. Масалан, бир маҳалладаги анъанавий хизмат шохобчаси кичик бизнес бўлиши мумкин. Аммо шу хизматни рақамли платформа орқали юзлаб ҳудудларга етказиш, жараённи автоматлаштириш ва минглаб мижозларга хизмат кўрсатиш модели стартап хусусиятига эга бўлади.

Стартапнинг бошланғич нуқтаси технология эмас, муаммодир. Деҳқон сувни тежашни истайди, шифокор касалликни эртароқ аниқлаши керак, ўқитувчи ҳар бир ўқувчининг ўзлаштиришини кузатишда қийналади, кичик тадбиркор ҳисоб-китоб ва бозор топишга муҳтож. Ана шу эҳтиёжларга содда, ишончли ва оммалаштириш мумкин бўлган ечим таклиф этилса, ғоя иқтисодий қийматга айланади.

Шунинг учун стартапчи, аввало, “Мен нима яратмоқчиман?” деб эмас, “Кимнинг қайси оғриқли муаммосини ҳал қиламан?” деб фикрлаши керак. Кейин эса ечимни тахмин билан эмас, одамлар билан суҳбат, кузатув ва кичик синов орқали текширади. Дастлабки намуна мукаммал маҳсулот эмас, асосий ғоянинг ишлашини кўрсатадиган энг содда кўринишдир. У орқали хато эрта аниқланади, ортиқча харажатнинг олди олинади ва маҳсулот ҳақиқий эҳтиёжга мослаштирилади.

Ҳужжат моҳияти сонда эмас, маҳсулотда

Сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фан, инновация, кичик бизнес ва венчур сармояни бир-бирига боғлайдиган ҳуқуқий муҳит изчил шаклланди. Қабул қилинган қарор ва фармонларда ғояни саралаш, инкубациядан ўтказиш, дастлабки сармоя билан таъминлаш, корхонада синаш ва бозорга олиб чиқишгача бўлган босқичларни ягона занжирга айлантиришга урғу берилмоқда. Энг муҳими, ёндашув бир марталик грант ёки танловдан узлуксиз экотизим барпо этиш томон ўзгаряпти.

Бу тизимда стартапчи, университет, илмий ташкилот, корхона ва сармоядор бир майдонда учрашиши керак. Рақамли ечимлар учун синов тартиблари, инкубация ва акселерация дастурлари, венчур молиялаштириш воситалари ҳамда университет ишланмаси асосида мустақил корхона тузиш имконияти ана шу мақсадга хизмат қилади. Яъни ҳужжатларнинг қиймати уларнинг сонида эмас, ёшнинг ғояси қанча тез ва шаффоф тарзда маҳсулотга айланаётганида намоён бўлади.

Энди асосий масала — белгиланган имкониятларни оддий ва тушунарли ишлаш механизмига айлантириш. Ташаббускор қайси эшикни қоқишини, қандай мезон асосида сараланишини, лаборатория ёки маълумотдан қай тартибда фойдаланишини, сармоя ва биринчи буюртмага қандай чиқишини аниқ билиши лозим. Қоғоздаги имконият инсонга етиб боргандагина ҳуқуқий пойдевор иқтисодий натижа беради.

Энг муҳим ўзгариш стартапни алоҳида тадбир эмас, узлуксиз жараён сифатида кўришдир. Мактабдаги қизиқиш, касб-ҳунар таълимидаги амалий кўникма, университетдаги илмий ва муҳандислик салоҳияти, инкубация марказидаги маслаҳат, сармоядор маблағи ва корхона буюртмаси бир-биридан узилмаслиги керак. Агар занжирнинг бир ҳалқаси ишламаса, кучли ғоя ҳам бозоргача етиб бормайди.

Ёшларга тадбиркорлик ва яратувчанлик кўникмасини эрта ёшдан беришга қаратилаётган эътибор ҳам бежиз эмас. Тадбиркорлик қобилияти фақат олийгоҳни битиргандан кейин пайдо бўлмайди. Болада муаммога қизиқиш, мустақил фикрлаш, жамоада ишлаш, хато қилиб хулоса чиқариш маданияти қанча эрта шаклланса, келажакда шунча мустаҳкам натижа беради.

Бироқ ёшларни фақат “ғоя бер” деб чақириш камлик қилади. Уларга маҳаллада, корхонада, мактабда, тиббиёт муассасасида ва қишлоқ хўжалигида ечилмай турган аниқ масалаларни кўрсатиш керак. Ҳар бир ҳудудда “муаммолар банки” шакллантирилса, давлат идоралари ва бизнес ўз эҳтиёжини очиқ баён қилса, ёшлар дизайнер ва мижоз билан мулоқот қила оладиган ташаббускор бўлиши муҳим. Тиббиёт ечими шифокорсиз, аграр технология агрономсиз, таълим платформаси педагогсиз яратилса, у техник жиҳатдан қизиқ бўлса ҳам, амалда фойдаланувчига мос келмаслиги мумкин. Бунда хатодан қўрқмаслик, лекин хатони арзон ва эрта қилиш тамойили муҳим. Катта маблағ сарфлашдан олдин кичик синов ўтказиш, ўнлаб фойдаланувчининг фикрини олиш ва маҳсулотни қайта ишлаш керак. Стартап муваффақиятсиз якунланган тақдирда ҳам жамоа бозорни ўрганиш, молиявий ҳисоб, музокара ва жамоавий меҳнат кўникмасини эгаллайди. Бу тажриба кейинги лойиҳа ёки оддий корхона учун ҳам катта инсон капитали ҳисобланади.

Сармоядор нимани кутади?

Сармоядор фақат ғоянинг чиройига эмас, жамоа салоҳияти, бозор ҳажми, маҳсулотнинг устунлиги, мижозлар муносабати ва ўсиш режасига қарайди. Шу сабабли “бизда ажойиб лойиҳа бор” деган гапдан кўра, “маҳсулотимиз синовдан ўтди, шунча фойдаланувчига хизмат қилди ва шундай натижа берди” деган далил қимматли.




ҳақиқий буюртмага таянган ечим яратади. Бу ҳолда танлов учун ўйлаб топилган лойиҳа эмас, одамга керакли маҳсулот пайдо бўлади.

Энг оғир йўл

Амалиётда яхши ғояларнинг кўпи дастлабки босқичдаёқ тўхтаб қолади. Бунга маблағ етишмаслиги билан бирга жамоанинг заифлиги, бозорни билмаслик, ҳуқуқий маслаҳатнинг йўқлиги, интеллектуал мулкни ҳимоя қилолмаслик ва биринчи мижозни топишдаги қийинчилик сабаб бўлади. Айрим ёшлар дастурни мукаммаллаштиришга ойлаб вақт сарфлайди, аммо ундан ким ва нима учун фойдаланишини текширмайди. Натижада яхши технология бозорсиз қолади.

Кучли дастурчи ҳар доим ҳам кучли тадбиркор эмас. Шунинг учун стартап жамоасида техник мутахассис билан бирга соҳани биладиган эксперт, иқтисодчи, Ўзбекистонда сармоя муҳити ҳам кенгаймоқда. 2025 йилда бўлиб ўтган Startup & Venture Summit халқаро саммити 500 дан ортиқ стартапчи, сармоядор, жамғарма, йирик корхона ва халқаро экспертни бир майдонга жамлади. Тадбирда бешта маҳаллий лойиҳа учун жами 750 минг АҚШ доллари миқдорида сармоя эълон қилинди, 20 миллион долларлик хорижий капиталга эга халқаро венчур жамғармаси ташкил этилгани маълум қилинди. Бундай ўзгаришлар имконият эшигини очади, аммо ундан тайёр ва ишончли жамоаларгина фойдалана олади.

Маблағнинг ўзи етарли эмас. Стартап учун менторлик, ҳуқуқий ва ҳисобчилик кўмаги, маҳсулотни синаш майдони, сервер ва лаборатория имконияти, хорижий бозорга чиқиш бўйича маслаҳат ҳам зарур. Шу боис, давлат гранти, хусусий сармоя, университет инфратузилмаси ва корхона буюртмаси бир-бирини тўлдириши керак.



Стартап экотизимида ўзим фаолият юритаётган Тошкент ахборот технологиялари университетининг ўрни алоҳида. 2022 йилда ташкил этилган инкубация маркази илғор ғояларни танлаш, уларни ривожлантириш, дастурий маҳсулот яратиш ва амалиётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда. Коворкинг, дизайн, робототехника ва дастурлаш йўналишларидаги имкониятлар талаба учун ғояни жамоа билан ишлайдиган намунага айлантириш майдонидир. 2026 йилда университетдаги стартаплар танловида марказ жамоаларининг учта лойиҳаси жами 200 миллион сўмдан ортиқ қўллаб-қувватлашга эришди.

“Uzworks”, “ArtPro”, “High gas protection” каби ишланмаларнинг маҳаллий ва халқаро майдонларга олиб чиқилиши, талабалар турар жойи учун рақамли тизим яратилгани ҳам муҳим тажриба бўлди. Жорий ўқув йилидан ТАТУ барча босқич талабалари учун ғоя ёки дастлабки намуна босқичидаги стартапларни қабул қилишни эълон қилди.

Биринчи мижоз қаерда?

Стартапнинг энг оғир босқичи — биринчи ишончли мижозни топиш. Бу вазифада университет, маҳаллий ҳокимлик ва давлат корхоналари синов буюртмачиси бўла олади. Масалан, таълим муассасасида дарс жадвали, энергия сарфи, кутубхона, талабалар турар жойи, хавфсизлик ва мурожаатлар билан боғлиқ жараёнларда янги рақамли ечимлар кичик кўламда синовдан ўтказилиши мумкин. Натижа тасдиқланса, маҳсулот бошқа муассасаларга таклиф этилади.

Давлат ташкилоти ёки йирик корхона стартапдан дарҳол мукаммал маҳсулот талаб қилмасдан, уч ёки олти ойлик шаффоф синов лойиҳасини буюртма қилса, икки томон ҳам ютади. Ёш компания биринчи даромад ва тавсияга, буюртмачи эса катта маблағ сарфламасдан ечимни текшириш имконига эга бўлади. Бунда танлов мезонлари очиқ, натижа ўлчанадиган, маълумотлар муҳофазаси ва муаллифлик ҳуқуқи кафолатланган бўлиши зарур.

Ҳар бир лойиҳа учун самара кўрсаткичлари олдиндан белгиланиши керак: хизмат вақти қанча қисқарди, харажат нечоғлик камайди, фойдаланувчи қониқиши қандай ўзгарди, қанча даромад ёки иш ўрни яратилди? Ана шундай ўлчов стартап муҳитини тадбирлар ҳисоботидан иқтисодий натижалар тизимига ўтказади.

Бугун кўплаб ёшлар сунъий интеллектга асосланган лойиҳаларга қизиқмоқда. Бу табиий, чунки мазкур технология катта маълумотни тез таҳлил қилиш, башорат бериш ва мураккаб вазифаларни енгиллаштириш имконини беради. Аммо маҳсулотга “сунъий интеллект” деган ном қўшиш уни автоматик равишда инновацияга айлантирмайди. Ечим қайси муаммони ҳал қилади, маълумоти ишончлими, натижаси тушунарлими, хатони ким назорат қилади ва шахсий маълумот қандай ҳимояланади — асосий саволлар шулар.

Технология инсонни четга суриш учун эмас, унинг меҳнатини унумли ва хавфсиз қилиш учун хизмат қилиши лозим. Тиббиётда якуний қарор шифокор масъулиятида, таълимда ўқитувчининг тарбиявий ва ижодий роли марказда, давлат бошқарувида эса инсон ҳуқуқи ва жамоат манфаати устувор бўлиб қолиши шарт. Шу тамойил асосида яратилган стартап ишонч қозонади ва узоқ яшайди.

Ҳудуддан жаҳон бозорига

Стартап муҳити фақат пойтахтда тўпланиб қолмаслиги керак. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос муаммоси ва устунлиги бор: бир жойда сув ва агротехнология, бошқа жойда логистика, туризм, тўқимачилик, ҳунармандчилик ёки саноат хизматлари долзарб. Ҳудудда яшаётган ёш бу эҳтиёжни яқиндан билади. Унга лаборатория, тез интернет, ментор, ҳуқуқий маслаҳат ва сармоядор билан алоқа берилса, маҳаллий ғоя миллий ва халқаро маҳсулотга айланиши мумкин.

ТАТУ, бошқа олийгоҳлар, техникумлар ва касб-ҳунар марказларини ягона ҳамкорлик тармоғига боғлаш шундай имконият яратади. Пойтахтдаги мутахассис масофадан технологик ёрдам беради, ҳудуддаги жамоа эса маҳсулотни маҳаллий шароитда синайди. Натижада жойларда рақамли иш ўринлари кўпаяди, иқтидорнинг фақат пойтахтга кўчиши шарт бўлмайди ва ҳудудий ривожланишга янги манба пайдо бўлади.

Янги тизимнинг самарасини фақат ўтказилган форум, берилган сертификат ёки қабул қилинган аризалар сони билан баҳолаш етарли эмас. Нечта ғоя ҳақиқий муаммо асосида шаклланди, нечта ишлайдиган намуна яратилди, қанчаси корхонада синовдан ўтди, қанча мижоз ва хусусий сармоя жалб қилинди, нечта янги иш ўрни ҳамда экспорт тушуми пайдо бўлди — асосий кўрсаткичлар шулар бўлиши керак.

Шу билан бирга, ҳар бир тўхтаган лойиҳадан ҳам сабоқ олиниши зарур. Нима учун мижоз топилмади, жамоа қаерда қийналди, маҳсулот қайси эҳтиёжга мос келмади? Бу маълумот очиқ таҳлил қилинса, кейинги авлод стартапчилари бир хил хатони такрорламайди. Соғлом экотизим фақат ютуқларни намойиш этмайди, муваффақиятсиз тажрибадан ҳам билим яратади.

Келажакка очилган эшик

Ўзбекистонда стартапларни ғоядан кенг бозоргача қўллаб-қувватлайдиган ҳуқуқий ва институционал пойдевор тобора мустаҳкамланмоқда. Энди асосий вазифа — қарорларда белгиланган имкониятларни ҳар бир ҳудуд, университет ва ташаббускор ёшлар учун ишлайдиган оддий, шаффоф механизмга айлантириш. Мактабдаги қизиқиш университет лабораториясида билимга, инкубация марказида маҳсулотга, корхонада синовга ва бозорда даромад ҳамда иш ўрнига айланиши керак.

Бу йўлда давлат шароит яратади, университет билим ва муҳит беради, бизнес муаммо ва биринчи буюртмани тақдим этади, сармоядор ўсишни тезлаштиради. Энг катта куч эса ташаббускор инсоннинг ўзида — унинг билими, жасорати, ҳалол меҳнати ва жамиятга наф келтириш истагидадир.

Ал-Хоразмийнинг илмий мероси бир ҳақиқатни эслатади: тўғри тузилган алгоритм мураккаб масалани ечимга олиб боради. Бугун Ўзбекистон стартап экотизими учун ҳам шундай аниқ алгоритм зарур: муаммони кўриш, билимни бирлаштириш, ғояни синаш, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, биринчи мижозни топиш, сармоя жалб этиш ва жаҳон бозорига чиқиш. Ана шунда ёшларнинг ғояси нафақат шахсий муваффақият, балки халқ фаровонлиги ва янги Ўзбекистон тараққиётининг амалий кучига айланади.

Туризм

САЙЁҲЛАРНИ СУРХОНДАРЁГА ЧОРЛАЁТГАН КУЧ

— Сурхондарёга охирги марта қачон бордингиз? — дея сўрайман Тошкентдаги Ислом цивилизацияси маркази экспозициясида Имом Термизий ҳақидаги видеолавҳани ҳайрат билан томоша қилаётган бир юртдошимиздан.



— Ҳарбий хизматни тахминан ўн беш-йигирма йил олдин Сурхондарёда ўтаганмиз. У пайтлари Термиз чегара ва ёпиқ шаҳар эди. Қўшни давлатлар билан чегара йўли бутунлай ёпилган, бошқа вилоятдан келган меҳмон ҳам вилоят ичидаги постларда тўхтайвериб, тинкаси қурирди. Хорижлик сайёҳларни-ку, камдан-кам кўрардик, — дейди у хотирлаб. — Кейинги йилларда зиёрат ва тоғ табиатидан баҳра олиш мақсадида тез-тез бориб турибмиз. Сурхондарё — сайёҳлар талпинаётган жой.

Ҳа, воҳа — Ўзбекистоннинг энг жадал ривожланаётган сайёҳлик ҳудудларидан. Кейинги йилларда вилоятга келаётган сайёҳлар кескин кўпайгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Масалан, жорий йилнинг 9 ойи давомида Сурхондарё вилоятига 2 миллион 500 мингга яқин маҳаллий, 750 мингдан кўп хорижлик сайёҳлар келган. Ҳудудда туризм хизматлари экспортидан эса 130,5 миллион доллар маблағ ўзлаштирилган.

— Воҳамизга сайёҳлар асосан зиёрат, тиббиёт, таълим, этно, гастрономик, археология ва экосаёҳат мақсадида келмоқда. Шундан келиб чиқиб, вилоятда туризмнинг турли йўналишларини ривожлантириш бўйича тизимли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Аслида, Сурхондарёнинг туризм салоҳияти анча юқори, 1 миллиард долларга баҳоланади, — дейди Сурхондарё вилояти туризм бошқармаси бўлим бошлиғи Бекзод Ўрозов. — Жорий йилнинг ўтган 9 ойида вилоятга келган сайёҳларнинг катта қисми тиббиёт ва соғломлаштириш хизматларидан фойдаланган. Бу мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳаси истиқболли эканини кўрсатади.

Хўжаипок туз кони, Сангардак сиҳатгоҳи, Хўжаипок дарёси, Термиз қумли ҳудуди каби ўнлаб соғломлаштириш ва реабилитация марказлари туфайли воҳа қўшни мамлакатлар учун ўзига хос “тиббиёт хаби”га айланиб боряпти.

Вилоятнинг туристик жозибадорлигини янада ошириб, хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш учун салмоқли ишлар бажарилди.

— Сурхон воҳасида сайёҳларни қабул қилиш учун 2627 ўринли 61 та меҳмонхона, 1342 ўринли 35 та хостел ва 1308 ўринли 140 та оилавий меҳмон уйи фаолият юритмоқда. Биргина жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида яна 4 та меҳмонхона, 4 та хостел ва 9 та оилавий меҳмон уйи қурилиб, фойдаланишга топширилди, — дейди Сурхондарё вилоятида туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва бошқариш дирекцияси бош мутахассиси Норқувват Нурматов. — Шунингдек, вилоятга сайёҳлар оқимини ошириш бўйича 2026 йил якунига қадар аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинган. Йил охиригача воҳага келадиган хорижликлар сонини 900 мингга, “Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил” дастури доирасида келадиган маҳаллий сайёҳлар сонини 1 миллион 748 мингга етказиш режа қилинган.



Юртимизда сайёҳлик инфратузилмасига сармоя киритиш ниятидаги инвесторларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Масалан, жорий йилнинг ўтган даврида Бойсундаги “БЕК” меҳмонхонасига 1 миллиард 525 миллион, Деновдаги “Денов Плаза” меҳмонхонасига 525 миллион, “Сумбула” меҳмонхонасига 225 миллион, Сариосиёдаги “Оқшом” меҳмонхонасига 150 миллион сўм миқдорида субсидия ажратилган.

Президентимизнинг 2024 йил 16 декабрдаги “Сурхондарё вилоятининг тоғли-рекреацион ҳудудларида туризм инфратузилмасини яхшилаш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш ва туризм объектларини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, вилоятнинг 3 та ҳудудида туристик марказлар ташкил этилди. Жумладан, Сариосиё туманида қиймати 11,7 миллион долларлик дор йўли қурилиб, фойдаланишга топширилди. Узунлиги 1558 метр бўлган мазкур дор йўли йилига 800 минггача сайёҳни қабул қилиш имкониятига эга. Шеробод туманидаги туз кони ҳудудида эса қиймати 12,2 миллион долларлик “Саломатлик туризм шаҳарчаси” ташкил этилмоқда. Мазкур мажмуа нафас йўллари, аллергик ва бошқа касалликларни туз ғорлари орқали даволаш усулига ихтисослашган йирик марказлардан бири бўлади.

— Жорий йил давомида вилоятда туризм йўналишида умумий қиймати 38,4 миллион долларлик 18 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилиб, 361 та янги иш ўрни очиш режа қилинган, — дейди Сурхондарё вилояти ҳокимлиги котибияти мудири Ботир Сафарбоев. — Шунингдек, Сариосиё ва Шеробод туманларида жами 23,9 миллион долларлик 2 та йирик туризм лойиҳаси бошланди.

Воҳа қўшни учта давлат билан чегарадош. Шу сабаб, вилоятга келувчи сайёҳлар учун транспорт ва авиация қатновини яхшилаш, янги йўналишларни очишга алоҳида эътибор қаратилган.

— Шу йил май ойидан бошлаб “Термиз — Истанбул — Термиз” йўналишида “Flykhiva” авиакомпанияси томонидан мунтазам парвозлар йўлга қўйилди, — дейди Сурхондарё вилояти транспорт бошқармаси бош мутахассиси Козим Бойбўриев. — Шу билан бирга, “Тошкент — Сариосиё — Тошкент” йўналишида “Silk Avia” томонидан мунтазам авиақатновлар бошланди. Чорак аср давомида фойдаланилмай келган Сариосиё аэропорти фаолияти тикланиб, мунтазам парвозлар амалга ошириляпти.

Мутахассислар фикрича, Сурхон воҳасининг сайёҳлик салоҳияти ҳали тўла очилмаган. Унда юқори даражадаги иқтисодий ва туристик имкониятлар яширин. Бу борадаги янги ташаббус ва лойиҳалар ана шу имкониятлардан самарали фойдаланишга хизмат қилади. Бугун сайёҳларни вилоятга чорлаётган куч эса бошланган ислоҳотларнинг дастлабки натижаларидир.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 22 октябрь, 219-сон

uz_news z.uz_news

21 октябрь – Ўзбек тили байрами куни

Она тил



Тил ва алифбо

ўзликни англаш, дунёни идрок этиш ва мангуликка дахлдор мерос

Ҳазрат боболаримнинг жонтомири, илдизи,
Ҳазрат момоларимнинг порлаган ой, юлдузи —
Она тил.

Меҳри офтоб мисоли меҳрибон онажоним,
Ҳар ишимга кўз-қулоқ, талабчан отажоним —
Она тил.

Баҳодир ўғлонларнинг бургут нигоҳи, кўзи,
Жасур, дилбар қизларнинг адл қомати, юзи —
Она тил.

Қизалоқларнинг мунчоқ кўзидаги ҳайрат ҳам,
Болажонлар ичига сиғмай тошган ғайрат ҳам —
Она тил.

Ошиқларнинг ҳеч сўнмас ловиллаган изҳори,
Пишқириб оққан дарё шовиллаган изҳори —
Она тил.

Бепоён юрагимнинг кенгликлари жамоли,
Асрлар бўйи тинмай эсаётган шамоли —
Она тил.

Шаксиз, руҳи жонимнинг шаклу шамойилисан,
Ҳаётимнинг мазмуни, бахтим тамойилисан —
Она тил.

Шукр, сен бор — мен борман, сўз деган анжуман бор,
Сенсиз миллат, Ватан йўқ, сен бор — миллат,
Ватан бор —
Она тил.

Ғайрат МАЖИД

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 37 йил тўлди ва Ўзбек тили байрами куни алоҳида кўтаринки кайфиятда нишонланяпти. Таълим муассасалари, маҳаллалар, ёшлар ташкилотлари ҳамда барча меҳнат жамоаларида она тилимизга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатилмоқда.

Бу йилги тил байрами алифбомизга бир қатор ўзгаришлар киритилган санага тўғри келди.

Ҳар бир ёзув ислоҳоти, у қанчалик техник кўринмасин, аслида, миллатнинг ўзлигини қандай сақлаши, дунё билан қандай тил топишиши ҳақидаги туб масаладир. Шу маънода, Сенат ялпи мажлисида “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритиш ҳақидаги қонуннинг маъқулланиши нафақат ҳуқуқий-техник, балки чуқур илмий-педагогик ва маданий-маънавий воқеалардан бири бўлди.

Умуман, алифбо масаласи кеча ёки бугун пайдо бўлган баҳс эмас. Узоқ йиллар мобайнида ҳар сафар бу мавзу кўтарилганда жамият иккига бўлинар, таклифлар муҳокама қилинар, аммо якуний қарор ортга суриларди. 2023 йил 11 декабрда жадидлар меросига бағишланган халқаро конференцияда ҳам бу масала очиқ кўтарилган эди. Ўшанда алифбо борасидаги узоқ йиллик баҳсларга нуқта қўйиш вақти келгани айтилганди.

Орадан уч йилга яқин вақт ўтиб, бу масала ҳуқуқий ечимини топди. Президентимиз лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини такомиллаштиришга қаратилган қонунни имзолади. Яъни жорий йил ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олган қутлуғ сана — 21 октябрь тарихий ҳужжат имзолангани билан ҳам аҳамиятли бўлди. Қонуннинг Ўзбек тили байрами куни қабул қилинишида чуқур рамзий маъно бор.

Эътиборли томони, гап бутунлай янги алифбо ҳақида кетаётгани йўқ. Қонун моҳиятан алифбони тубдан ўзгартирмайди, балки ундаги тўртта “муаммоли ҳарф”ни замонавий талаблар асосида такомиллаштиришни назарда тутади. Хусусан, амалдаги “Sh” ўрнига “Ş”, “Ch” ўрнига “Ç”, “O‘” ўрнига “Ö”, “G‘” ўрнига “Ğ” ҳарфлари таклиф этилмоқда.

Бу ерда асосий ғоя ёзувни халқаро тан олинган “бир товуш — бир ҳарф” тамойилига яқинлаштиришдир. Тил назариясида бу тамойил фонографик ёзувнинг энг юқори самарадорлик мезони ҳисобланади: ҳар бир товуш биргина график белги билан ифодаланганда ўқиш-ёзиш жараёни анча соддалашади, орфографик хатоликлар камаяди ва тил ўрганиш, хусусан, бошланғич синф ўқувчилари учун саводхонлик даражаси ортади.

Ҳар қандай ёзув ислоҳотининг энг нозик жиҳати уни амалиётга татбиқ этиш давридаги ижтимоий-ҳуқуқий изчилликни таъминлашдир. Қонун ишлаб чиқувчилар бу масалага алоҳида эътибор қаратиб, амалдаги алифбо асосида расмийлаштирилган ҳужжатлар, миллий валюта ва қимматли қоғозларнинг муомалада бўлишига тўсқинлик қилинмаслигини қонунан мустаҳкамлади. Бу фуқароларнинг ҳуқуқий барқарорликка бўлган ишончини сақлаб қолишга қаратилган муҳим кафолатдир.

Шунингдек, давлат органлари ва ташкилотларининг айрим рамзий белгилари, пешлавҳа ва кўрсаткичларидан улар яроқсиз ҳолатга келгунича ёхуд белгиланган муддатгача фойдаланишга рухсат берилиши назарда тутилган. Бундай босқичма-босқич ёндашув ислоҳотнинг мажбурий эмас, балки табиий ва босқичли тарзда ҳаётга татбиқ этилишини таъминлайди, бу эса жамиятда ортиқча ижтимоий кескинлик ва молиявий юкнинг олдини олади.

Демак, алифбо фақат 28 та ҳарф ва битта тутуқ белгисидан иборат техник рўйхат эмас, балки миллатнинг ўз-ўзини ҳис қилиш, дунёни идрок этиш ва келажак авлодларга сўз меросини етказиш воситасидир. Шу боис, Президентимиз томонидан имзоланган мазкур қонун нафақат ҳуқуқий ҳужжат, балки ўзбек халқининг тил ва ёзув борасидаги тарихий танловининг навбатдаги, илмий асосланган босқичи ҳамдир.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Қайси тилда туш кўрасиз? Фарёд қиласиз, йиғлайсиз, ҳайратланасиз ёки хитоб қиласиз? Инсонни нутқ ирод қила олиш қобилияти бошқа барча мавжудотлардан ажратиб туради. “Тўти ҳам гапиради-ку”, дейишга шошилманг, чунки унинг чулдираши маъносиз товушлар йиғиндисидан бошқа нарса эмас.

МИЛЛАТ БЕЛГИСИ, ДАВЛАТ СУВЕРЕНИТЕТИ РАМЗИ

Атоқли адибимиз Абдулла Орипов сатрлари билан айтганда:

Минг йилларким, булбул каломи
Ўзгармайди, яхлит ҳамиша.
Аммо шўрлик тўтининг ҳоли —
Ўзгаларга тақлид ҳамиша.

Она тилим, сен борсан, шаксиз,
Булбул куйин шеърга соламан.
Сен йўқолган кунинг, шубҳасиз,
Мен ҳам тўти бўлиб қоламан!

Хўш, киши фикрини оғзаки ёки ёзма баён эта олиши унинг тили, жамики махлуқотлардан ажратиб турар экан, қайси тилда сўзлаши қандай маъно билдиради? Бу кишининг қайси халқ, миллат-элат вакили экани, ўз давлат тилига эга эркин ва озод юртда яшаётганининг белгисидир.

Демакки, ўз она тилига эга бўлмаган инсоннинг тўтидан фарқи йўқ. Давлат тилини қатъий белгиламаган мамлакатларни эса тўлақонли суверен ва озод деб айта олмаймиз.

Шу боис, катта сиёсий ўзгаришлар, биринчи навбатда, тил ёки ёзув ислоҳоти билан бошланади. Мустақилликнинг илк эпкинлари ҳам ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши билан кириб келган. Тўғри, у даврларнинг гувоҳи бўлмаганман. Аммо ҳар йили 21 октябрь — Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кун арафасида ижтимоий тармоқларда пайдо бўладиган “Ўзбек тилига овоз беринг” дея имзо йиғиш лавҳаларини кўрганда, ўзимни худди улар орасида юргандай ҳис қиламан. Лавҳалардаги жараённинг сира ҳам жўн кечмаганини кўриб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши боболаримиз жасорати ҳосиласи эканини англайман.

1991 йил 31 август куни Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилди. Бу воқеага 35 йил бўлди. Лекин узоқ муддат давомида “Тўлақонли мустақил бўла олдикми?” деган савол билан яшадик. Сабаби, мустақилликни расман эълон қилишнинг ўзигина етарли эмас эди. Мамлакатимиздаги миллионлаб инсонларнинг дунёқараши, мафкураси, ўй-хаёли ўзгариши керак эди. Бу эса бир-икки йилда амалга ошиб қолмасди. “Озодлик”, “эркинлик” сўзлари ҳар бир юртдошимизнинг тилидан эмас, қалбидан, шууридан отилиб чиқиши талаб этиларди.

Узоқ йиллардан буён инсонларнинг дунёқарашини ўзгартириш йўлида собитқадамлик билан одимламоқдамиз. Айниқса, кейинги ўн йилда бу борадаги ўзгариш ва янгиланишлар шиддатли тус олди.

Президентимизнинг БМТ Бош Ассамблеяси 75-сессиясидаги нутқи тарихий воқеа, кучли сиёсий ирода рамзи эди. Давлатимиз раҳбари нутқини ўзбек тилида баён этди. Бу мамлакатимиз тарихида ўзбек тилининг биринчи бор бундай халқаро минбардан янграши эди.

Нуфузли минбардан янграган ўзбек тили дунёга очилиб бораётган янги Ўзбекистон эди. Бу воқеа Ўзбекистоннинг дунё мамлакатлари орасида ўз сўзи ва позициясига эга давлат эканини ҳамда аввалги қаттиқ тоталитар тизим, биқиқ ташқи сиёсат якунига етиб, тинчлик йўлидаги ҳар қандай мулоқотга очиқлигини, ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларига тайёрлигини билдирарди. Бу ўз позицияси ва тараққиёт йўлини қайта белгилаб олган янги Ўзбекистоннинг дунёга йўллаган ўзига хос ижтимоий-сиёсий “message”и бўлди.

Ушбу тарихий воқеа билан бошланган янги даврдаги тил ислоҳотлари аввалгиларидан буткул фарқ қилади. Мустақилликнинг илк йилларида бошланган, 1993 йилда лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувига ўтилиши билан давом этган ислоҳотлар муайян даврда турғунлик ҳолатига тушиб қолди. Аммо кейинги йиллардаги тил ислоҳотлари мазмун ва моҳияти жиҳатидан бойиб, жадаллашиб бораётгани билан миллат ҳамда давлатчилигимиз тарихида алоҳида ўрин тутади.

Замонавий дунёда давлатларнинг асосий қуроли ахборотдир. Кейинги йилларда мамлакат ахборот сиёсатида ҳам катта ўзгариш юз берди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари бошқаларга ўрнак ва йўлчи юлдуз сифатида лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувига биринчилардан бўлиб ўтди. Кейин бутун оммавий ахборот воситалари ундан фойдаланишни бошлади. Кўпчилик бу ўзгаришни қабул қилишга қийналди. Айримлар эса бир-икки йилда яна кирилл алифбосига қайтилишини тахмин қилиб юрди. Лекин бундай бўлмади. Аксинча, Ўзбекистонда лотин алифбоси қўлланилиши йил сайин кўпайиб бормоқда. Ўзбек ахборот макони лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзувига ўтиши ким учундир катта воқелик бўлиб кўринмас, аммо бугунги ахборот асрида бу ислоҳотнинг халқ маънавий иммунитетини шакллантиришдаги роли жуда катта.



Ҳаким Йўлдошев олган сурат.

Бу халқимизнинг кундалик ҳаётда бир тил, бир ёзув атрофида бирлашишини билдиради. Инсонларнинг тилини, дунёқарашию ўй-фикрини бир қилмай туриб, ислоҳот ўтказиб, янги Ўзбекистонни барпо этиб бўлмайди. Бу йўлдаги кейинги қадам давлат идоралари ҳужжатларини ўзбек тилида юритиш ислоҳоти бўлди.

Бунда давлат идораларида, вазирлик ва ҳокимликларда маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш, давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш масалалари бўйича маслаҳатчи лавозими жорий этилиши муҳим роль ўйнади. Маслаҳатчиларга ташкилот раҳбари ўринбосари мақоми берилиши масаланинг асл моҳияти долзарблигини билдиради.

Ўзбек тили ва лотин алифбосига асосланган ўзбек ёзуви ижтимоий ҳаётда, давлат бошқарувида фаол қўлланила бошлангач, ушбу ёзувни ҳам замонга мослаш, янада қулайроқ қилиш, уни замонавий технология ёзувига айлантириш зарурати борлиги кўзга ташланди. Аслида, тил ҳам доим тараққий этиб, бойиб, ўзгариб борувчи эканини тилшунос олимлар қайд этади. Шу боис, алифбо ислоҳоти соҳа тараққиётига катта ҳисса қўшиши ва ёзувимизни янада оммалаштириши шубҳасиз.

Бугун Ўзбекистон биров белгилаб берган йўлдан ёки бошқа бир давлатнинг тараққиёт йўлига тақлид қилиб бораётгани йўқ. Халқимиз янги Ўзбекистонни барпо этиш ғояси атрофида бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилмоқда. Бу йўлда, биринчи навбатда, халқнинг дунёқарашини ўзгартириш, ватанпарварлик ҳисси ва миллий руҳни кучайтириш орқали ўзлигини қайта кашф этишга бел боғланган. Албатта, бу йўлда тил ислоҳоти бирламчи зарурат.

Талабалик йилларимда Хитойдан келиб таълим олаётган курсдошим ўз юрти ҳақида кўп сўзлаб берарди. Ўзингга нотаниш юрт ҳақида тинглаш жуда мароқли. Бир куни тушлик қилиб ўтирганимизда у бундай деб қолди: “Бизнинг мамлакатда чет элдан кириб келаётган маҳсулотлар номини тезда хитой тилига алмаштиришади. Мақсад — хитой тилини авлодларга софлигича етказиб бериш. “Хот-дог” бизда илк бор истеъмол қилина бошлаганда, уни тўғридан тўғри инглизчадан “иссиқ ит” деб таржима қилишган. Кейинчалик унинг итальянча сўз эканини билиб, асл маъносига қараб ўгирган”.

Балки бу воқеа ҳақиқатга тўғри келмас, аммо хитойликларнинг ўз тили софлигини сақлаб қолишга интилиши мақтовга лойиқ. Ростдан ҳам бугунги замонавий дунёда янгилик кўп. Ҳар куни турли технология, дастур ёки бирор буюм ихтиро қилинади. Улардан ижтимоий ҳаётда фаол фойдаланиш ажойиб, аммо уларнинг номланишини ўз тилингизга мослаштирмасангиз, она тилингиз софлиги бузилиб, қадр-қиммати тушиб бораверади. Албатта, бунда атамалар, халқаро сўзларни ўз ҳолича қўллайвериш мумкин. Узоқ йиллар биз кундалик ҳаётимизда қўллайдиган оддий сўзларни ҳам хорижий иборалар билан ифодалаб келдик. Айримларининг ўзбекча муқобили бор.

Масалан, сиз ҳеч “аванс” сўзининг ўзбекчаси қандай бўлиши ҳақида ўйлаб кўрганмисиз? Аммо бу сўздан кўп фойдаланганингиз аниқ. Тилшунос олимлар ҳам, соҳа масъуллари ҳам унинг ўзбекча муқобилига ўтишга кўп фурсат қизиқиш билдирмади. Кейинги йиллардаги ислоҳотлар сабаб бир қанча хорижий атамаларнинг ўзбекча муқобиллари тасдиқланди. Уларнинг ўзбекчасини ўқиганингизда тилимизга қанчалик мослигини, руҳимизга анча яқинлигини ҳис қиласиз. Жумладан, улардан бири — “аванс” сўзининг муқобили “бўнак” ҳам сўзлашувимизга тез мослашиб кетмоқда.

Бундай янгиликлар тилимиз софлигини сақлаб, уни бойитади ҳамда авлодларимиз нутқининг янада равон бўлишига, уларнинг миллий руҳи юксак, маънан етук инсонлар бўлиб етишишига хизмат қилади.

“Дунёқараш ўзгармаса, дунё ўзгармайди”, дейишади. Ўзбек тилини оммалаштириш ва қадр-қимматини кўтариш айнан халқнинг ўй-фикрини ўзгартирадиган, ватанпарварлик руҳини кучайтириб, миллий ўзлик сари йўналтирадиган ислоҳотдир. Бу борада кейинги йилларда давлат сиёсати даражасига кўтарилган китобхонлик, бутунлай янгича қиёфага кирган таълим тизимидаги янгиланишлар ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбек тили ва адабиётини ёшлар қалбига муҳрлашда ижод мактаблари муҳим роль ўйнайди. Маърифат майдонига Президент мактаблари кириб келди. Ушбу мактаблар ҳудудлар бўйича кенг миқёсда ташкил этилди. Бугунги кунда республикада 9 та ижод мактаби фаолият юритмоқда. Авваллари ижод мактаби тугул, ўзбек тилида дарс берадиган ихтисослашган мактабнинг ўзини топиш муаммо эди. Айниқса, хусусий мактабларнинг аксарияти хорижий тилларга ихтисослашган бўларди. Бугунги кунда Президент мактаблари, ихтисослашган ва кўплаб хусусий мактабларда ўзбек тили ва адабиётини ўқитишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зеро, бошланғич таълимни ҳар бир кишининг ўз она тилида олиши катта аҳамиятга эга.

Хулоса ўрнида Иккинчи жаҳон уруши даврида Японияда бўлган бир воқеани келтирмоқчиман. Ўша даврда уруш оташида қолган Япониянинг бир шаҳрида ўқитувчи дарс жараёнини тўхтатмайди. Шунда ўқувчилардан бири: “Ташқарида оталаримиз қон кечмоқда. Биз эса бу ерда миллат тақдирига бефарқ бўлиб, дарс ўтишда давом этаверамизми?!” дея устозига жаҳл билан юзланади. Шунда ўқитувчи: “Сенингча, миллат тақдири, келажаги ташқарида ҳал бўляптими? Адашасан, миллат тақдири синфхонада ҳал бўлмоқда”, дея жавоб беради.

Япониянинг кейинги тараққиётида ўша пайтда миллий ўзлик, кучли ватанпарварлик руҳида ўсган ёшларнинг ўрни катта бўлганини мутахассислар таъкидлаб келади. Демакки, янги Ўзбекистонни барпо этишда ҳам ватанпарвар, миллий руҳи ва маънавий иммунитети баланд бугунги олтин авлод — ўзбек ўғил-қизлари ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1046.
29213 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Сардор Толлибоев
Мусаҳҳиҳ: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 01:38 Топширилди — 03:55